## ИНСОН ВА ИҚТИСОД

**Оғир пайтларда баъзан таназзулдан олиб чиқувчи халоскор моделни излаб топишни истаб қоласан. У японникими, аргентинаникими — барибир эмасми. Зотан, баъзи бировлар ҳатто хушламай эътироз билдиришади: япон модели японларнинг “миллий ўзига хос хусусияти”га асосланган эмиш. Мен, японларнинг “Миллий ўзига хос хусусияти” дейишганида, хусусан нимани кўзда тутишганини билмайман, аммо ёт модел, ёт тажриба ўрганишга арзиса-да, ундан кўр-кўрона нусха кўчириб, ўзга заминга, мутлақо бошқа шароитга ва бошқа замонга тадбиқ этиш анча хавфли эканига тўла қўшиламан. Ўзга тажрибадан ўзи учун фойдали томонини ўз шароитига мослаб ола билиш бу — бошқа гап. Шундай экан, қани, Япониянинг урушдан кейинги тараққиётини кўриб чиқайлик-чи.**

# “Япон мўъжизаси”

## бошқаларга ҳам сабоқ бўла оладими?

Акио КАВАТО

### УРУШДАН СЎНГИ ЖАСОРАТ

Уруш 1945 йилнинг августида тугади. Япония ўз ер майдонининг 44 фоизини бой берди. Катта армия истеъфога чиқарилди, 7,2 милён зобит ва аскар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. 1,5 милён япон собиқ хориж ҳудудидан қайтиб келди ва ҳарбий заводларда машғул бўлган 4 милён одам ишсиз қолди. Умуман, 72 милёнлик аҳолининг 12,7 милёни ўша вақтда “янги ишдан бўшатилганлар”га айланган эди. 50 фоиздан зиёд завод ва фабрикалар вайрон этилганди. Пул ҳаддан ташқари қадрсизланиб, касодга учради. Урушдан кейинги икки ярим йил давомида чакана нарх 25 баравар ўсди. Урушнинг охирига бориб, жамиятнинг маънавий аҳволи завол топди. Товламачилик, порахўрлик, ҳарбий заҳираларни сотиш ва чайқовчилик одатий ҳолга айланди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда америкаликлар биз, мағлуб бўлганларга унчалик ёрдам беришмади (1947 йилнинг совуқ уруши кучайган маҳалида биринчи жиддий иш бошлашга уриниб кўрилганди). Ҳар бир япон яшаб қолишнинг чорасини кўриши керак эди. Кўпчилик зироат билан шуғулланиш учун қишлоққа қайтди (ўша вақтда қишлоқ нуфузи 5 милён нафарга ўсган эди). Бошқалар ё майда савдо ёки қарийб ҳунармандчиликка асосланган истеъмол молларини ишлаб чиқара бошладилар (эндиликда бутун дунёга машҳур “Сони”, “Панасоник”, “Хонда” ширкатларига атиги икки-учта шерик билан ўшанда асос солинган эди). Шаҳарликлар ўзларининг кичик томорқаларига ишлов бердилар. Мен ота-онамнинг ломбардга қатнашганини ва уйимиз ёнидаги экин экилган ерда ишлашганини эслайман (полизимиз бомба портлашидан тамоман вайронага айланган ҳарбий завод касалхонаси майдонида жойлашган эди).

Ўз навбатида Япония ҳукумати ишлаб чиқаришни ўстиришга эътиборни қаратди. Бу тадбирдан монетаризмнинг қаттиқ сиёсатига амал қилмай, ҳар ҳолда молларни кўплаб миқдорда ишлаб чиқариш орқали пул касодлигини бартараф этиш назарда тутилган эди.

1946 йили ҳокимият Иқтисодий тикланишни маблағ билан таъминлаш жамғармасини тузди ва корхоналарга (аввал бошда Марказий банк сотиб олган облигациялар ҳисобидан ва фақат кейинроқ халқ жамғарган пуллар ҳисобидан) маблағ ажрата бошлади. Шу билан бирга, ўша даврнинг сармоядор иқтисодий соҳалари саналган металлургия, энергетика ва кўмир саноатига аҳамият берилди. Бу соҳаларда давлатнинг молиявий ёрдам кўрсатиш ҳиссаси 70-85 фоизга етди (ўрта ҳисобда 25 фоизни ташкил этди). Японияда Ички миллий маҳсулот (ИММ) 1947 йили муайян нархларда 8,4 фоиз ва 1948 йили 13 фоизга ўсди. Албатта, бу жамғарма ўз фаолиятида зиён ҳам кўрди. Маблағнинг бир қисми зарарни қоплашга сарфланди, амалдорларнинг кўнглини топиб, маблағ олишга уринганлар ҳам бўлди. Ва пул касоди фақат 1949 йилга келиб пасая бошлади (нархнинг ўсиши:1947 — 46 фоиз, 1948 — 73 фоиз, 1949 — 25 фоиз).

Валютага эгалик қилиш бутунлай ҳокимиятнинг измида эди. Корхоналар валютадан фақат юксалишга нафи тегадиган илғор технология ва бошқа молларни четдан келтиргандагина фойдалана олардилар (истеъмол моллар импортининг оммавий тус олишига чек қўйилганди).

Шуниси диққатга сазоворки, ҳатто шундай тизимда ҳам порахўрлик анча кам намоён бўлди. Аммо бу — бизнинг амалдорларимизнинг табиатан покдомон, дегани эмас. Бизнинг тарихимизда ҳам порахўрлик ҳоллари юз берган.

Шундай бўлса-да, ўша даврларда кўпчилик амалдорлар масъулиятнинг алоҳида туйғусига берилган ва халқ фаровонлиги йўлида янги давлат қурилишига интилган эди. Айни маҳалда уларнинг мақоми қатор кафолатлар билан қўллаб-қувватлангани ғоят муҳим ўрин тутарди. Гарчи оддийгина бўлса-да, уларга ижара ҳақи анча арзон уй-жой берилганди. Амалдорлар умр бўйи ёлланиб ишлаганда, кўп йиллик хизматларини инобатга олган ҳолда уларнинг мансабини мунтазам ва расамади билан кўтариб боришарди. Ким ҳам бу мақомларни бир галлик пора учун хавф остига қўярди, дейсиз!

АҚШнинг зўравон кучлари, аввало, япон жамиятини демократлаштириш билан шуғулланди. Уларнинг кўрсатмаси бўйича бир қанча йирик ширкатлар озод қилинди, акциялари оила мулкидан чиқарилди, кекса бошқарувчилар ишдан бўшатилди. Аммо АҚШ зўравон кучларининг ўзаро қарашларидаги ихтилофлар ва японларнинг қаршилиги туфайли олигархиянинг парчаланиши тўла амалга ошмай қолди. Шунга қарамай, янги ширкатларнинг пайдо бўлиши ва анча ёш, янгиликка интилувчи менежерларни жалб этиш учун замин ҳозирланди.

Қисман АҚШ зўравон кучларининг тазйиқи остида ер ислоҳоти ўтказилди. Деҳқонларнинг қашшоқлашиши (оқибатда улар оддий ижарачиларга айландилар) Японияни индустриялаштириш учун дастлабки жамғармани тўплашга шароит туғдирди. Энди улар корхоналар учун бозор яратишга ва сиёсатчиларнинг барқарор таянчига айланиши учун бой бўлишлари керак эди.

Агар 1946 йили ижарачи — камбағаллар 46 фоиз ҳайдаладиган ерни қайта ишлаган бўлсалар, бу ҳисса 1950 йили 10 фоизга тушиб қолди. Деҳқончиликка сармоя ажратиш кескин ўсди, лекин ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида муайян фойда олишга фақат 10 йилдан кейингина эришилди.

Совуқ урушнинг аста-секин кучайиши тахминан 1947 йили АҚШнинг Японияга нисбатан мавқеини ўзгартирди. Улар Япониянинг иқтисодий ривожи йўлида кўмаклашишга мойил бўлдилар. Япония ҳукумати ўз навбатида ёрдамга ва АҚШ томонидан тўғридан-тўғри юбориладиган инвестицияга умид қила бошлади. Бироқ АҚШ японларни унчалик эркалатмади. Инвестиция келмади, чунки бу америкаликлар учун фойдасиз эди. Бунинг ўрнига АҚШ кредитга 150 милён доллар таклиф этди: бу — Япониянинг валюта захирасидан америка пахтасини сотиб олиш учун гаровга берилган эди. Японлар пахтани четдан олиб келишлари, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришлари, уларни чет элга олиб чиқишлари ва савдодан тушган пул ҳисобига яна америка пахтасини ташиб келтиришлари мумкин эди. Ана шу сабабли япон тўқимачилик индустрияси қайтадан вужудга келди.

1947-50 йилларда АҚШ Японияга катта миқдордаги — умумий ҳажми 1,8 миллиард долларлик тиббий дорилар, ўғит, темир рудаси, нефть, кўмир ва бошқа молларни кредитга берди (Ички миллий маҳсулотлар 11 миллиард долларни ташкил этди). Япония ҳукумати қарзларини узиш учун маблағ жамғариш мақсадида бу молларни пуллади.

АҚШдан олинган кредитлар, эмиссия (қимматли қоғозлар, қоғоз пул чиқариш) ва ёрдам пули (дотация) бериш ҳисобига Иқтисодий тикланишни маблағ билан таъминлаш жамғармасининг фаоллик билан маблағ ажратиши (1949 йилги бундай ёрдам пули даромаду харажатнинг 27 фоизини олиб қўйган ва яна шунча маблағ ташқи савдога сарфланган эди) пулнинг қадрсизланишига қарши курашда иш бермасди (1948 йили нархнинг ўсиши 73 фоизга кўтарилган эди). Айнан шу пайтда урушдан кейинги Япония тарихида илк бор қатъий аксилкасод сиёсати биргина америкалик жаноб Дож томонидан маълум қилинди.

1949 йилнинг декабрида у ёрдам пули ва америка кредитига асосланган япон иқтисодининг ошириб юборилган табиатини кескин танқид остига олиб, ўзининг “Дож йўли”ни эълон қилди. Иқтисодий тикланишни маблағ билан таъминлаш жамғармаси фаолияти барҳам топди, нархни қувватлашга бериладиган ёрдам пули 1951 йилгача бекор қилинди, қатъий даромад ва харажат (бюджет) нисбати амалга оширилди. Йеннинг ягона қадр-қиммати (курси) ўрнатилди: 360 йен — 1 АҚШ долларига тенг келди. Бундан мақсад чет элларга мол ёки сармоя чиқарувчилар учун йеннинг рақобатбардошлигини таъминлаш эди. Бир сўз билан айтганда, “маблағ бўйича иқтисод” ва “ўз саъй-ҳаракатлари ҳисобига иқтисод” учун шароит йўлга қўйилди.

Аммо муолажа оқибати аввал бошда салбий эди. Иқтисодий фаолият учун пул етмай қола бошлади. Гарчи пулнинг қадрсизланганлиги 1950 йилда (нархнинг ўсиши манфий 7 фоизни ташкил этди) пасайган бўлса-да, ички миллий маҳсулотнинг муайян ўсиши 1948 йили 13 фоиздан 1949 йили 2,2 фоизгача тушди. Кўпгина кичик корхоналар синди, баъзан бунга бардош беролмаган хўжайинлар оилавий бўлиб жонларига қасд қилдилар. 1949 йили аҳолининг иш билан таъминланганлиги 10 фоизга камайди. Агар турғунликдан кейин муайян ва соғлом тараққиёт бошланмаганда, Япониянинг нечоғлик мушкул ҳолга тушиб қолишини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмас эди. Лекин юксалиш учун шарт-шароит бор эди. Чунки умумий вазиятни тақозо этувчи жаҳон конъюктураси ижобий бўлиб, шу жумладан, Европа иқтисодининг сезиларли юксалиши кузатилаётган эди.

Афсуски, бу ерда кутилмаган фожиа — 1950 йилги Корея уруши тўсқинлик қилди. Одатда уруш жаҳон тарихида кўпинча иқтисодда бурилиш нуқтасига сабаб бўлади. 1950-53 йилларда АҚШ Японияга 1,1 миллиард долларлик маҳсулотга буюртма берди. Америка армияси ўзининг Япониядаги шахсий эҳтиёжлари учун шунча маблағни сарфларди. Бу — урушдан кейинги “Япония мўъжизаси” учун сўнгги шиддатли туртки бўлиб хизмат қилди. Саноат ишлаб чиқаришининг кўлами 1949-51 йилларда тахминан икки баравар ўсди.

1955 йилгача, яъни Япония Савдо ва тариф ҳақида Умумий битимга аъзо бўлиб киргандан кейин у ўз бозорини ҳимоя қила оладиган (протекцион) сиёсат юргизадиган бўлди. 1964 йили Япония Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) тўла ҳуқуқли аъзосига айланганидан сўнг хориж сармоясининг ўз бозорига кириб келишини тўса оладиган бўлди. Йеннинг нисбатан арзон қадр-қимматини экспорт рағбатлантирди ва импортга имкон бермади. Шафқатсиз рақобат ички бозорда ҳам, четда ҳам илғор технологиянинг фаол импорти ҳисобига япон маҳсулоти сифатининг муттасил ошиб боришига омил яратди (1951 йилдан бошлаб илғор технологиялар тадбиқ этилган корхоналарга турли солиқ имтиёзлари ва енгилликлари жорий бўлганини эслатиб ўтиш ўринлидир).

Дарвоқе, Япония 1952 йили Жаҳон Тикланиш ва тараққиёт банкининг аъзоси бўлди ҳамда 1953 — 66 йиллар давомида 860 милён долларлик маблағни кредитга олди. Шу билан бирга Халқаро валюта жамғармасининг узоқ муддатли кредитларидан бирор марта ҳам фойдаланмади.

### ЯПОН ТАЖРИБАСИДАН НИМАНИ ОЛИШ МУМКИН?

Япон тажрибаси — ноёб эмас. Унинг тараққиёт йўлини бошқа ривожланган индустрияли мамлакатлар ҳам босиб ўтди. Масалан, АҚШда Биринчи жаҳон урушигача юқори импорт тарифлари мавжуд эди (40-50 фоизгача), бу — Европа томонидан кескин танқид қилинишига сабаб бўлганди. Бу вақтларда бож АҚШ федерал ҳокимияти учун асосий даромад манбаи эди. Фақат 1913 йилдагина давлат жисмоний шахсларга даромад солиғини жорий қилишга муваффақ бўлди. АҚШнинг илғор технология соҳасида Ғарбий Европага қатъиян тобелиги кўпинча европаликларнинг кулгисини қўзғарди.

Шунга қарамасдан, Японияга хос бўлган сифат бу даврда иқтисодий тараққиётга имкон берди. Биринчидан, йирик шаҳарларнинг ўртамиёна табақасида урушгача бўлган турмуш даражаси ҳақидаги хотира сақланиб қолди. Улар, ҳеч бўлмаса, ана шу бурунги даражага етиб олишга бор кучлари билан уриндилар. Иккинчидан, урушгача бўлган даврдаёқ қонун ва иш доирасидаги ахлоқ қоидасининг устунлиги қарор топганди. Қарзни тўламаслик дарҳол синишга олиб келарди. Учинчидан, урушдан кейинги Японияда ҳарбий саноатга дахлдор давлат заёмларининг шартларини ўзгартириш (конверсия) тадбири жуда пухта ва ҳеч қандай изоҳларсиз ўтказилди. Иқтисод мудофаанинг оғир юкидан қарийб бутунлай озод этилди. Тўртинчидан, аҳолининг ишончи амалдорларга нисбатан анча баланд эди. Амалдорлар давлат бойлигини ўз манфаати йўлида ўмараяпти, деб камдан-кам одамларгина гумон қилишарди. Аслида “ақлли ва қобилиятли” амалдорлар “итоатгўй ва жоҳил” халқни бошқармаётган эди. Аксинча, “Япон мўъжизаси”да халқ ва хусусий тармоқлар энг муҳим ўрин тутарди, ҳукумат эса уларнинг фаолияти учун барча шарт-шароитни муҳайё қилиб қўйганди.

Иқтисодий тараққиёт учун ягона тўғри йўл, масалан, монетаризм ёхуд касод сиёсати мавжуд эмас. Лекин барқарор ва соғлом тараққиёт учун ўзининг саъй-ҳаракати ва маблағи билан боғлиқ ҳолда зарур асосий шароитлар бўлиши тақозо этилади. Солиқ миқдори бир даражага келтирилган бўлиши ва самарадорликни таъминлаши зарур. Бу — ўз навбатида корхоналарга банк томонидан кредит берилишини таъминлайди. Корхонанинг ҳисоб юритиши ишонарли бўлиши, банк кредитларига гаров тақдим этилиши керак ва ҳоказолар.

Монетаризм ёки инфляция? Менимча, афтидан бу — ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ. Гарчи, пул эмиссияси қулай шароит етилмаган бир даврда ишлаб чиқаришни фақат касоднинг янги ўзанига бошлаб боради.

# АДАБИЙ ТИЛИМИЗ АСОСЧИСИ

Боши биринчи бетда.

Бундай гапларни кичик, норасмий давраларда анча йиллардан бери эшитардик. Дарҳақиқат, Алишер Навоийдай буюк мутафаккир бизнинг "ёлғон мақтовларимизга муҳтож эмас". У ўзбек адабий тилининг асосчиси эканлигини улкан шеърий мероси, илмий-насрий асарлари, она тили ҳақидаги илмий-назарий тадқиқоти орқали бундан беш аср илгариёқ исботлаб қўйган. Биз бу тўғри гапга, илмий ҳақиқатга имон келтиришимиз учун уларни ўқишимиз ва уқишимизгина кифоя. Биз бекорга бирламчи манбаларга ҳавола қилаётганимиз йўқ. Эҳтимол, кимдир Навоий асарларининг ўзини эмас, балки Навоий асарлари ҳақидаги манбаларнигина ўқиб, ҳатто ўшаларни ҳам ўқимай, эшитиб, "Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси" фикрини мутахассислар ўйлаб топганлар, деб юрар. Йўқ, бу тилшунос ва адабиётшунос — навоийшунос олимлар тўқиб чиқарган уйдирма эмас.

Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий ҳазратлари ҳам, шубҳасиз, Навоий сингари туркий — ўзбек тилида ижод қилганлар. Аммо Алишер Навоийни ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида эътироф этиш, бу мутафаккирларнинг адабиётимиз ёхуд адабий тилимиз олдидаги хизматларини асло камситмайди. Уларнинг ҳар бири ўз ижодий мероси билан ўзбек адабий тилининг шаклланиш босқичларида муҳим ўрин тутади. Лекин ушбу адабий сиймолар ижодий меросининг салмоғи ва адабий тилимиз олдидаги хизматлари Алишер Навоийники билан тенглаштиргулик ёки таққослагулик эмас. Бу ҳам ҳаммага аён ҳақиқат. Маҳмуд Қошғарийнинг биргина "Девону луғатит-турк" асари машҳур. У — ўзбек адабий тили озиқланадиган мўътабар манба. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" достони ўз даврида ўзбек адабий тилининг бойишига манба бўлган асарлардан бири. Аҳмад Яссавийдан мўъжазгина "Ҳикматлар" тўплами қолган, холос. Унинг ҳам тили Яссавий даври тилини ифодалай олмайди. Бинобарин, ҳикматлар тили асосида Яссавийнинг ўзбек адабий тилига муносабатини белгилаш душвор. Мавлоно Лутфий ўз замонасининг малик ул-каломи янглиғ тан олинган. Лекин ундан биргина девон боқий қолган. Лутфийнинг Навоий айтган биргина шеърга бутун ижодиётини бадал қилишга розилиги тўғрисидаги муболағали эътирофиёқ Лутфий латофати ва Навоий даҳосидан дарак бериб турибди. Хўш, ушбу мутафаккирлар меросларининг ҳар бири алоҳида ёхуд ҳаммаси йиғилиб келганда ҳам Навоий меросига тенг кела оладими? Гап ҳажмда эмаску, дерсиз? Ҳа, ҳажм ҳам муҳим. Адабий мероснинг ҳажми тил амалиётининг миқёси, сифати, савияси ва сайқалини кўрсатади.

Бундан ташқари, ўзбек адабий тилини асослаб бериш Алишер Навоий ижодий дастурининг моҳият-мақсадини ташкил этган. Юқоридаги адиблар эса бундай дастурий мақсадни ўз олдиларига қўймаганлар.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни "сўз соҳибқирони" деб атайди ва унинг туркий тил қисматидаги хизматини "Туркий тилнинг ўлган жасадига жон киюрди (киргизди)", дея эътироф этади. Ҳусайн Бойқаро адабий тилни асосладими ҳам эмас, ҳаттоки, тирилтирди деяпти. Хуросон шаҳаншоҳининг ушбу эътирофини бошқа қайси мутафаккирларимизга нисбатан қўллашимиз мумкин? Ёки Ҳусайн Бойқаронинг бу сўзлари ҳам "ёлғон мақтовлар"ми? Шоҳ ўз қўл остидаги шоир вазирга сохта лутф қилишга эҳтиёжманд эмас. Ёхуд Ҳусайн Бойқаронинг "туркий тилнинг ўлган жасади", яъни Навоийгача бўлган аянчли аҳволи ҳақидаги сўзлари Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Лутфий ҳазратларининг шаънига ва тарихий хизматларига соя ташлайдими? Мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳамда буюк Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг туркий тилда ҳеч ким Алишер Навоийчалик кўп ва хўп айтмаганлиги, Навоий туркий тилда шу қадар зўр ёзганки, мабодо у ҳам ўз асарларини форс тилида ёзганида, форсигўй адибларга айтишга сўз қолмаган бўлиши ҳақидаги эътирофларичи? Булар ҳам "ёлғон мақтовлар"ми?

Ўзбек тили Алишер Навоий даврида расмий рутбага — бугунги истилоҳ билан айтадиган бўлсак, давлат тили мақомига кўтарилди. Навоийнинг дўсти, маслакдоши Ҳусайн Бойқаро давлат ишлари, девондаги расмий-идоравий иш юритиш тизими туркий тилда олиб борилиши ҳақида махсус фармон чиқарди. Ушбу тарихий ҳодисани Алишер Навоий таъсирисиз тасаввур этиш мумкинми?

Она тилининг қисмати, мавқе-мартабаси учун кураш, адабий тилни асослаш борасидаги ҳаракат дастури ва услуби жиҳатидан Алишер Навоий жаҳон шоҳсупасидаги энг йирик адабий сиймолар, масалан, Алигери Данте билан ёнма-ён туради. Бу ҳам аён ва шоён ҳақиқат. Камина бу икки буюк мутафаккирнинг она тили нуфузи учун курашдаги йўллари қиёсий тадқиқ этилган "Ажойиб ўхшашлик" сарлавҳали мақоламизни "Фан ва турмуш" журналида 1976 йили эълон этганмиз. Ажойиб ўхшашлик шундаки, буюк италян шоири Алигери Данте она тилининг беқиёс бадиий имкониятларини "Илоҳий комедия"дай жаҳоншумул асарлари тимсолида, шахсий ўрнак тариқасида амалда исботлаб берган. Умрининг охирларида эса италян тилининг ғайри тиллардан асло кам эмаслигини, унинг нафосатини, сўз ва маъно бойликларини "Она тили ҳақида трактат" ёзиб, она тилининг устувор мақомини илмий-назарий йўлда асослаган. Алишер Навоий ҳам бошқа давр ва бошқа мамлакатда яшаган бўлса-да, қонуний равишда, айнан шундай йўл тутди. Ўзбек тилининг бадиий маъно ва мазмун ифодалашдаги беқиёс салоҳиятини, бутун бошли бир туркий миллатнинг адабий тили лаёқатига эгалигини аввал амалда исботлади. Ўзбек тилида расмий девон яратиш услубини шакллантирди. Ўша давр жаҳон андозаларига мувофиқ тузилган саккиз мукаммал девонидан еттитасини ўзбек тилида яратди. Ўзбек тилида биринчи марта Навоий беш ғўзал достондан ташкил топган "Хамса" асарини яратдики, бу беш достоннинг ҳар бири дунё майдонидаги ҳар қандай асар билан бемалол беллаша олади. Азбаройи, адабий, бадиий тил қудратидан шундай. Навоий ўзининг ўнлаб илмий-насрий асарлари заминида миллий илмий-насрий тил ва услубимизни инкишоф этиб берганки, у ҳануз англаб етилмаган, очилмаган қўриқ бўлиб ётибди. Ниҳоят, Навоий ўзбек тилининг музаффариятини бадиий ижод майдонида, амалий равишда қойилмақом қилиб қўйганидан кейин, Данте сингари умрининг охирроғида, аниқроғи 1499 йилда "Муҳокамат ул-луғатайн" номли асарини ёзиб, ўзбек адабий тилини илмий-назарий жиҳатдан узил-кесил асослаб берди.

Алишер Навоийнинг қуйидаги шахсий эътирофлари шунчаки расмона фахриялар эмас. Уларнинг заминида ҳаётий ҳақиқат ётибди:

**Турк назмида чу мен тортиб алам,**
**Айладим ул мамлакатни яккалам.**

Мутафаккир бу байтда туркий шеъриятда алам-изтироб тортиб, ижод заҳматларини чекиб, байроқдорлик қилиб, туркий қавмларни яккалам — биртил қилишга муваффақ бўлганидан ифтихор этмоқда. "Қалам" сўзи бу ўринда тилни, "яккаламлик" эса адабий тилни англатади. Англашиладики, Навоий туркий қавмлар яшайдиган сарҳадларни лисоний жиҳатдан, тил нуқтаи назаридан бирлаштирган. Миллат таркибидаги турли элатлар, қавмлар, уруғлар, ўзаро эркин сўзлашиб муомала қиладиган, бир-бирини таржимонсиз ва луғатсиз тушунадиган ягона тил эса адабий тилдир. Навоий "яккаламлик" деганда, туркий халқларнинг ўзаро бемалол ёзишма олиб борадиган, бир-бирларининг ёзма меросларини эркин ўқий оладиган ягона адабий тил ёзувини ҳам назарда тутган. Адабий тил, таъбир жоиз бўлса, миллатни бирлаштирувчи маънавий байроқдир. Тил миллатнинг бирламчи белгиси, адабий тилга бирлашиш эса миллий бирликнинг дастлабки ва асосий кўринишидир. Адабий тилнинг шаклланиши халқнинг миллат сифатида тўлиқ шаклланишидан ҳам дарак беради. Адабий тилдан чекиниш эса, миллий бирликдан чекиниш, лисоний бошбошдоқликка, тил нуқтаи назаридан парокандаликка учрашига олиб бориши мумкин. Шу маънода, Алишер Навоийни нафақат адабий тилимиз асосчиси, балки миллий бирлигимиз асосчиси, дея эътироф этсак, муболаға бўлмаса керак.

**Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,**
**Муайян турк улуси худ менингдур.**
**Олибмен тахти фармонимға осон**
**Черик чекмай Хитодин то Хуросон.**
**Хуросон демаким, Шерозу Табрез**
**Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.**
**Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,**
**Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.**
**Не мулк ичраки бир фармон йибордим,**
**Анинг забтиға бир девон йибордим.**
**Бу девон тутти ул кишварни андоқ**
**Ки, девон тузмагай дафтарни андоқ.**

Ушбу парчада ҳам ўша ифтихор ва иқрор давом этади: агар турк улуси бир ёки юз ёхуд минг қавмдан иборат бўлса ҳам, улар шак-шубҳасиз меники, менинг мухлисларим, тилдошларим, дилдошларим, миллатдошларим бўлишлари аниқ. Чунки мен шаккарез қаламимдан маъни дурларини сочиб, Хитойдан Хуросонгача, Хитою Хуросон нима бўлибди, Шерозу Табризгача лашкар тортмасдан, осонлик билан изму ихтиёримга олдим. Менинг сўзимга турк қавми кўнгил, наинки кўнгил, балки жон ҳам беради. Фақат турк эмас, балки туркман ҳам менинг жонажонимдир. Қайсики мамлакатга бир фармон юборсам, ўша мамлакатни бир девон юбориб ҳам забт этдим. Бу девоним у мамлакатни шундай асир этдики, тил ва услубим уларнинг девони учун ўрнак ҳамда андоза бўлди.

Дарвоқе, Алишер Навоий ўзининг мафтункор адабий мероси, ўша давр нуқтаи назаридан, ҳаммафаҳм тили билан барча тилдош элу элатларга манзур бўлган. Бунинг сабаби шуки, улуғ мутафаккир туркий улуснинг барча шева ва лаҳжа хусусиятларини, тил бойликларини, ифода имкониятларини бутун мураккаблиги ҳамда нафосати билан ўз асарларида мужассамлаштирган, барча қавмлар учун мос келадиган адабий андозаларни яратган. Навоий умумхалқ тилини шу қадар асарларига сингдириб юборишга эришганки, унинг ўз даврини қўя турайлиг-у, ҳаттоки, ҳозир ҳам асарлари тилини шарҳлаб берсангиз, турли вилоятларга мансуб шева вакиллари "Навоий кўпроқ бизнинг шевамиздан фойдаланган экан", деган фикрга келадилар.

Бугунда радио ва телевидениеда, газета ва журналларда, нашр ишларида, расмий-идоравий иш юритиш тизимида адабий тил меъёрларидан чекиниш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунига итоат этмаслик, уни моддама-модда, изчил равишда амалга оширишда сусткашлик кўрсатиш, адабий тил меъёрларига асосланган ўзбек тилининг асосий имло қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари сезилмоқда.

Алишер Навоийнинг она тилимиз нуфузи, адабий тилимиз нафосати учун кураши бизга ибрат ва намуна бўлмоғи лозим. Ўз она тилига беписандлик жамиятимизни ҳамон тарк этмаётир. Президентимиз И.А.Каримов 1996 йил 5 июн куни Тошкентда "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш" комиссиясининг йиғилишида айтганларидек: "Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халқига садоқат белгиси эмасми?" Алишер Навоий ҳам ўз халқи она тилига муҳаббат ва садоқатда жуда демократик мақомда туради. Жумладан, "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида ўзга тилларда ҳам сўзлашни камситмаган ҳолда шундай олижаноб истак билдиради: "...турк тилининг жомеияти мунча далойил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди..." Ҳеч бўлмаса, Навоий XV асрда орзулаган меъёрларни сақлайлик. Навоий ва у ардоқлаган миллий тилга муносиб бўлайлик. Зеро, Алишер Навоий ва у асослаган ўзбек адабий тили бизнинг миллий ифтихоримиздир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори**

## ОЗОД ЮРТ ОДАМИ

# ҲИММАТ

## ёхуд гурланлик Эриммат Содиқов ибрати

Халқимизда шундай ҳикмат бор: “Бўладиган эл бир-бирини ботирим дейди”. Баъзи бир бўлармонлар бўлиб, бўёғи синиб ётган пайтда бу мақолни такрор-такрор эслаш ҳеч ҳам зиён қилмайди. Зотан, айрим ишбилармонлар топган мол-дунёсига ғарқоб бўлиб, қават-қават уйлар қураётган, етти маҳаллага дастурхон ёзиб, ким ошарга тўй бераётганини кўриб тургганингда, улар қачон эл корига ҳам қайишгани вақт топаркан, деб ўйлаб қоласан. Қўли калта қўшнисининг қулаб қолган оғилини кўтариб беришдан, маҳалланинг ободлигига ҳисса қўшишдан қочмайдиган топармонлар бағрикенглик қилишса — эл ишига бел бўлишса, ризқи бутун бўлмоғи тайин. Ахир, эл дуоси эр йигитнинг бирини икки қилади, деб бежиз айтишмаган.



Бахтимизга халқнинг жўмард фарзандлари ҳам орамизда кўп. Гурлан туманидаги “Амударё” ширкат хўжалиги раиси Эриммат Содиқов шундай инсонлардан.

Асли касби шифокор бўлган бу инсон тиббиёт сирларини пухта эгаллаган, медицина фанлари номзоди. Тадбиркорликда иш бошлагунга қадар Дўсимбий ҳудудий шифохонасида, Гурлан стоматология поликлиникасида бош врач бўлиб ишлади. Кейинчалик у Урганч давлат университетининг Иқтисод факултетида таълим олиб, қишлоқ хўжалигининг яхши мутахассиси бўлиб етишди.

Эриммат Содиқов “Амударё” ширкат хўжалигига раис этиб сайланганда хўжалик давлатдан 149 миллион сўм, иш ҳақи ҳисобидан 59 миллион сўм қарз эди. Қисқа вақт ичида қарзлардан қутилиб, рентабелли хўжаликка айланган “Амударё” ширкат хўжалиги миришкорлари ғамхўр етакчи, тажрибали раҳбар бошчилигида 1400 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Шундан 800 гектарига пахта, 300 гектарига шоли, 150 гектарига буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Бу йил пилла, дон режалари ортиғи билан бажарилди. Пахтадан мўл ҳосил олиш мўлжалланган, ҳосилдорликни ҳар гектаридан 30 центнерга етказиб, мамлакат хирмонига муносиб ҳисса қўшиш ният қилинган. Режага кўра, хўжалик бу йил деҳқончилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятларидан 60 миллион сўмдан зиёд соф фойда олишни кўзлаган.

Юртдошлари Эриммат Содиқовни халқ таълимининг чинакам ғамхўри ва бағрикенг ҳомийси сифатида ҳурмат қилишади. Бу ҳурмат замирида Э.Содиқовнинг ширкат хўжалиги, ўзи ва оға-инилари маблағи эвазига амалга оширган кўплаб савоб ишлари бор. Хусусан, тумандаги Беруний, Шароф Рашидов, Усмон Носир номларидаги ўрта мактабларни тўлиқ таъмирдан чиқариб, бу масканларни 16 миллион сўмлик ўқув анжомлари билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Биргина бу эмас, элпарвар тадбиркор ташаббуси билан хўжалик ҳудудига икки километр сув қувури, беш километр газ қувури ётқизилди, ҳар бири бир кунда саксон нафар беморни қабул қиладиган иккита қишлоқ врачлик амбулаторияси қуриб берилди, тўқсон ўринли болалар боғчаси таъмирдан чиқарилди.

Эриммат раиснинг ҳиммати бу билан якун топгани йўқ. Унинг таклифи билан ширкат хўжалиги ихтиёридаги маъмурий бинолардан бири қишлоқ болалари ихтиёрига берилди. Бинода ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга, хўжалик ҳисобидан ҳар йили олий ўқув юртида таҳсил олаётган уч-тўрт нафар талабанинг шартнома пуллари тўлаб келинаётирки, бундай ҳиммат кўплар ҳавас қилса арзигулик олижанобликдир. Таълим соҳасига бериб келаётган сезиларли кўмаги туфайли бу йил Эриммат Содиқов халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлди.

Бирники мингга, мингники туманга, дейди халқимиз. Гурланлик моҳир тадбиркор Эриммат Содиқов сингари жўмард инсонлар фаолияти туфайли қишлоқларимиз чирой очаётир, элимиз турмуши фаровонлашаётир. Ҳиммати баланд, топганини эл билан баҳам кўрадиган инсонларнинг обрў-эътибори ошиб, мол-давлати зиёда бўлаверади.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**

# ҲАҚИҚИЙ ПАҲЛАВОН КИМ?

## Арафа

**Боши биринчи бетда.**

“Макорим ул-ахлоқ”да ёзилишича: “Рамазон ойида ул ҳазрат (яъни Навоий — **Н.А.Ҳ.**) хайрот ва садақанинг миқдорини имкон борича орттиришга тиришган. Ҳар кечаси улуғ саййидлар, замон олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўпгина киши ул зот ҳузурида ифтор қилишарди.

Ул ҳазрат меҳмонларни риоя қилиб, овқатни ўзлари тортарди. Шундан кейингина саҳий қўлини таом ейишга узатарди...”

Нафснинг қутқуси шу даражадаки, ҳатто ибодатга бино қўйиш орқали ҳам инсон унинг илгига асир тушмоғи мумкин. Ибодатни Ҳақ ризолиги учун қилганларгина амалига бино қўймайди. Рўза тутганлигини бошқаларга пеш қилмайди. Аксинча, ўзгалар унинг гўзал хулқини, тамасиз амалини кўриб, рўзанинг, ибодатнинг ҳикматини англайди. Унингдек бўлишга интилади.

Улуғ бобомиз имом Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя”ни ўн уч йилда ёзиб тугатганлар. Ул зот мана шу ўн уч йил давомида муттасил рўза тутган эканлар. Лекин рамазондан бошқа ойларда рўзадор эканликларини ҳатто ул зотга таом пишириб берадиган хизматчилари ҳам билишмаган. Улар таом олиб киришса, улуғ олим ҳеч нарса демас, чиқиб кетишганларида эса таомни шогирдларидан бирига илинар эканлар. Мана бундай хулқдан ўрнак олса арзийди.

Нафс инсонни ножоиз нарсаларга қарашга даъват қилади (айниқса, кийинишдан кийимсизликка қараб кетилаётган замонда). Лекин ҳақиқий рўзадор назарини пок тутади...

Қўйинг-ки, бу ойда қалб ҳам, вужуд (ошқозон, кўз, қулоқ, тил) ҳам рўзадор бўлсагина, чинакамига покланиш мумкин бўлади. “Ҳужжат ул-ислом” Имом Ғаззолийнинг таъбири билан айтганда: “Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланишдир. Оч баданда қалб бир меъёрда ишлайди, ақл тиниқлашади, кўз равшан тортади. Тўқлик дангасалик туғдиради, қалб қўрини ўчиради, зеҳнни ўтмаслаштиради. Кам уйқу ва кам овқат билан қалбларингизга ҳаёт бахш этинг! Шунда қалбларингиз мусаффо бўлади ва тетиклашади”.

Сизларга нафс илгидан қутулиш ойи муборак бўлсин, азизлар! Бу ойдан кейин ҳақиқий паҳлавонға айланишингиздан, тўғрироғи, айланишимиздан умидвормиз.

**Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ**

Ўзбек романи: кеча ва бугун

# ШОИР ЁЗГАН РОМАН

**Шеър ва достонлар ёзиб эл-юртга танилган шоирларнинг ижодлари кучга тўлганда, роман жанрига мурожаат қилишлари бизнинг адабиётимизда Чўлпондан бошланган яхши бир анъана, дейиш мумкин. Бу анъанани шоир Шуҳрат "Олтин зангламас" романида, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом ва Мирмуҳсин акалар ўзларининг йирик насрий асарларида давом эттирганлари кўпчиликка маълум.**

Улардан кейин адабиётга кириб келган шоир Муҳаммад Али ҳам китобхонларга шеърий руҳ билан суғорилган романлар тақдим этмоқда. "Сарбадорлар"дан кейинги воқеаларни янги тарихий босқичда давом эттирадиган "Улуғ салтанат" романининг номидаёқ кўтаринки шеърий жаранг сезилади.



Бу кўтаринкилик истиқлол даврида Амир Темур тузган улуғ салтанатга нисбатан тарихий адолатнинг тикланиши билан боғлиқдир. Шўро даврида тилимиз, динимиз қандай камситилган бўлса, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимиз ҳам шундай ноҳақ қораланган эди. Уларнинг хайрли ишлари ва фазилатлари ҳақида асар ёзган муаллиф балога қоларди. Шунинг учун Муҳаммад Али ўзининг "Гумбаздаги нур" достонида Амир Темурнинг номини айтмасдан, у бунёд этган нурли гумбазларни улуғлаган эди. Шеърга солиб куйлаган сиймо ким эканини китобхон достондаги тагмаънодан фаҳмлаб оларди. Тарихий ҳақиқатни очиқ айтишга мустабид тузум йўл бермагани учун шоир ўзининг Амир Темурга аталган меҳрини рамзий образ ва тагмаъно орқали ифодалашга мажбур бўлган эди.

Мана энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Амир Темурнинг олти юз олтмиш йиллик тўйи жаҳон миқёсида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юксак эъзоз билан нишонланди. Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг марказий хиёбонида, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Соҳибқиронга улуғвор ҳайкаллар қўйилди, темурийлар номида муҳташам давлат музейи қад кўтарди. Театр саҳналарида ва экранларда унга бағишланган асарлар кўрсатилди. Амир Темур суратини муқовага чиқариб нашр этилаётган китоблар кўпайди. Бу ҳаммаси олти юз йил давомида қилиниши керак бўлган, аммо тақдир тақозоси билан қилинмасдан, бизнинг давримизгача йиғилиб келган улкан ишлардир. "Улуғ салтанат" романида аввалги таъқиқлардан қутулиб, эркин нафас олган ва Амир Темур мавзуига шунчалик кенг йўллар очилганидан шодланган ижодкор ўз қаҳрамонига бўлган меҳри ва ихлосини бор овози билан куйлаб, яйраб ифода этади.

Романнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чиройли нашр этилган биринчи китоби Амир Темурнинг Шаҳрисабздан Балхга қўшин тортиши ва у ерда Амир Ҳусайн устидан узил-кесил ғалабага эришиб, мустақил давлат тузиши билан бошланади.

Бу икки амир бир вақтлар дўст ва яқин қариндош бўлган эдилар. Темурбек Ҳусайннинг гўзал синглиси Улжай Туркон оғага уйланган эди. Улар учови ҳам Чингизхон авлодларининг жабру зулмига қарши йиллар давомида матонат билан курашган эдилар. Бу курашларда Улжай Туркон оға бевақт вафот этади. Синглисининг олийжаноб таъсиридан маҳрум бўлган Ҳусайнбек амалпараст, нодон беклар муҳитига тушиб қолади. У дўсти Темурбекнинг ақлу заковатига, мардлик ва тантилигига ҳасад кўзи билан қарай бошлайди. Бахилнинг боғи кўкармас деганларидек, Ҳусайнбек Амир Темур билан жанг қилиб енгилади ва асир тушади. Амир Темур аввалги яхши муносабатларини эслаб, унинг қонидан кечади, асирликдан озод қилади.

Лекин Амир Ҳусайн нодонлиги ва жоҳиллиги туфайли кўп бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан эди. "Темур тузуклари"да Соҳибқирон бу ҳақда шундай қисқа ва лўнда фикр билдиради: "Нодон дўст душмандан ёмон. Амир Ҳусайн ана шундай нодон дўстлардан эди".

Амир Ҳусайн калтабин ва нодонлиги туфайли Самарқандни мўғул босқинчиларининг навбатдаги тажовузидан қутқариб қолган сарбадорларнинг ботир раҳбарларини қатл эттиради. Фақат Мавлонзодани Амир Темур орага тушиб қутқариб қолади.

"Улуғ салтанат" романида Темурбекка қарши қўйилган Амир Ҳусайн ўша замоннинг энг беқарор ва субутсиз вакили сифатида ишонарли тарихий фактлар асосида кўрсатилади. Унинг мағлубиятдан саросимага тушиб, масжид минорасига чиқиб яшириниши, аянчли бир аҳволда қўлга тушиши, асирликдан озод этилгандан кейин эса қасоскорлар томонидан ўлдирилиши романда ёрқин тафсилотлар билан тасвирланган.

Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо ўн беш — ўн олти ёшдаёқ жангларда иштирок этиб, жасорат кўрсатади. У Балхда оёғидан ярадор бўлганида, отасидан ибрат олиб, муолажа пайтида ҳам ўзини мардона тутгани тасвири романнинг эсда қоладиган лавҳаларидандир. Кейинги бобларда Жаҳонгир улғайиб, Хоразм маликаси Севинбекага уйланганини, икки ёш қалбнинг бир-бирига оловли меҳри гоҳ лирик, гоҳ юмористик буёқларда яхши акс эттирилади. Жаҳонгир Мирзо ватанимизни чингизийлар истилосидан озод қилиш йўлида олиб борилган ҳаёт-мамот курашларида Соҳибқирон отасининг энг қийин топшириқларини фидойилик билан адо этади. У Чиғатойхон авлодларидан бўлган ва Мўғулистон томонлардан Фарғона водийсига бостириб кирган Қамариддин золимни ватанимиз ҳудудидан улоқтириб ташлайди ва ёвни таъқиб этиб, баланд тоғ довонлари оша отда минглаб чақирим йўл босади. Бир эмас, уч марта такрорланган мана шундай оғир ҳарбий юришлар фидойи, мард йигитнинг соғлиғига ёмон таъсир қилган бўлиши керак. Жаҳонгир Мирзо йигирма ёшида Самарқандда вафот этади. Бу орада унинг суюкли маликаси Хонзода хоним ажойиб ўғил туғади. Соҳибқирон бобоси унга Муҳаммад Султон деб исм қўяди. Жаҳонгир Мирзо суюкли ёри ва тўнғич ўғлининг дийдорига тўймай оламдан кўз юмгани роман охирида жуда таъсирли ифода этилади.

"Улуғ салтанат" романи тарихий манбаларда қайд этилган ва чиндан содир бўлган воқеаларга асосланади. Бу тарихий воқеалардан бири — Амир Темурнинг адолат учун курашаётганини узоқ Арабистонда туриб эшитган Саид Барака Термиз атрофларида унинг ҳузурига келиб, мустақиллик ва ғолиблик рамзи бўлган байроқ билан нақора тақдим этганидир. Романда бу воқеа ёрқин тафсилотлар билан бойитилган ҳолда илоҳий бир башорат тимсоли қилиб кўрсатилади. Саид Барака энг мураккаб ва мушкул вазиятларда Амир Темурга руҳий мадад берган ҳақиқий пир ва олижаноб инсон қиёфасида гавдалантирилади.

Улуғ мақсад йўлида соҳибқиронга садоқат билан кўмак берган яна бир сиймо — унинг умр йўлдоши Бибихоним ҳам романда атрофлича тасвир этилади.

Бир ярим аср давом этган чингизийлар истибдоди одамларнинг ахлоқини бузган, айниқса, амиру беклар орасида ёлғончилик, иккиюзламалик, бетайинлик, мансабпарастлик, низо ва парокандалик авжига чиққан эди. Бу иллатлар Амир Мусо Кайхусрав, Зиндачашм опардий каби субутсиз беклар тасвирида кўзга яққол ташланади. Амир Темур уларга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлади, хатоларини ўзлари тан олса, кечиради. Шу тарзда ички низолар ва парокандаликларни бартараф этиб, барча кучларни бир туғ тагида бирлаштиришга муваффақ бўлади. Лекин яхши муомаланинг қадрига етмайдиган, ёмонлик йўлидан қайтмайдиган ғанимларга нисбатан қаттиққўл бўлиш ҳам унинг давлатни бошқаришдаги асосий тамойиллари қаторига киради.

Бу ерда биз "Улуғ салтанат" романининг "Жаҳонгир Мирзо" деб аталган биринчи китоби ҳақида сўз юритмоқдамиз. Назаримда, романнинг кейинги китобларида Амир Темурни халқимиз ифтихорига сазовор қилган ва бутун дунёга танитган оламшумул ишлари тасвир этилиши мўлжалланади. Шундай улуғ миллий қаҳрамонимизни бор бўйича жозибали ва ёрқин қиёфада гавдалантириб бериш ёзувчидан жуда катта қобилият, меҳнат, журъат ва маҳорат талаб қилади.

Биринчи китобни ўқир эканмиз, муаллиф ниҳоятда улкан ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олганини чуқур ҳис қилиши сезилиб туради. Шу сабабли, уни Амир Темурнинг салобати босиб, эҳтиёт ва мулоҳазакорлик билан қалам тебратгани ҳам кўзга ташланади.

Китобхон эса асарни қўлдан қўймай, қизиқиб ўқишни истайди. Бунинг учун қаҳрамон бошдан кечирган драматик воқеаларни, у енгиб ўтган улкан қийинчиликларни китобхон ичдан ҳис қилиши, қаҳрамоннинг руҳига кириши, ўзини унинг ўрнига қўйиб тасаввур этиши керак бўлади. Ана шунда китобхон қаҳрамоннинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлади, ундан ибрат ва сабоқ олади.

Тарихий манбаларда, айниқса, "Темур тузуклари"да, Шомий ва Яздий "Зафарнома"ларида Соҳибқирон бошдан кечирган ўта драматик воқеалар, ундан зўр ақл-заковат, довюраклик, чидам-бардош ва матонат талаб қилган воқеалар кўплаб қайд этилган.

Муҳаммад Али қутлуғ мақсад йўлидаги дастлабки довонни шоирона кўтаринки руҳ билан забт этибди. Эндиги тилагимиз шуки, олдинда турган навбатдаги баланд довонлардан ошишда у ўзининг адиблик ва олимлик тажрибасига ҳам астойдил амал қилса. Ишонамизки, юқорида биз эслатган тарихий манбалардан янада дадилроқ, янада самаралироқ фойдаланади ва ўз олдига қўйган улкан мақсадни тўлиқ амалга оширади.

**Пиримқул ҚОДИРОВ**

# ТАДҚИҚОТМИ ЁХУД ҒАЙРИ ИЛМИЙ САФСАТА?

**Рустан Раҳмоналиевнинг "Туркий салтанатлар" китоби хусусида айрим мулоҳазалар**

**Таниқли қадимшунос олим, академик Э.Ртвеладзенинг "Ўрта Осиё тарихи: уни сохталаштиришдан муддао нима?" сарлавҳали** ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2003 йил, 1 август) **мақоласини зўр қониқиш билан ўқиб чиқдим. У ўзбек халқининг минг-минг йиллик тарихига доир саҳифаларни ёритишга бағишланган. Менга, айниқса, олимнинг холис фикр юритгани, тарихимизни сохталаштиришга уринаётган айрим тадқиқотчиларга етарли далиллар, ҳужжатлар тили билан илмий жавоб бергани маъқул бўлди. Чинакам олим шундай йўл тутади, ҳар бир фикрини ноёб ҳужжатлар, манбалар асосида мантиқан исботлайди. Тарих илми, тарих ҳақиқати шуни тақозо қилади. Аммо, афсуски, кейинги пайтларда Ўрта Осиё, хусусан, туркий қавмлар тарихини сохталаштирувчи, тарих ҳақиқатини бузиб кўрсатувчи китоблар тез-тез пайдо бўлиб турибди. Қирғизистонлик олим Р.Раҳмоналиев қаламига мансуб "Туркий салтанатлар" (Москва, "Прогресс" нашриёти, 2002 йил) тадқиқоти ана шундай асарлар жумласига киради. Очиғини айтганда, бу қалин китоб бир қанча жиҳатлари билан диққатни тортади. Аввало, номи ўта жозибадор. Қадимги салтанатлар тарихи кимни қизиқтирмайди, дейсиз? Чунки, бу борада муаммолар кўп.**

Рустан Раҳмоналиевнинг тадқиқоти эзгу тилак йўлида ёзилганига шубҳа йўқ. Китобнинг биринчи боби туркий халқларнинг эрадан аввалги X асрдан эрамизнинг V асригача кечган тарихини ёритишга бағишланган. Иккинчи — еттинчи фаслларда Атилла, Буюк Турк хоқонлиги, Чингизхон, Амир Темур ва усмонийлар империяси тарихи ёритилади. Тўртинчи боб "Турклар мусулмон оламида" деб аталади. Бунга "Кириш" ва "Илова" қисмларини ҳам қўшсак, Раҳмоналиев нақадар катта кўламли ишга қўл урганини тасаввур қилиш мумкин. Китобда шунчалик кўп маълумотлар, далиллар тўпланганки, уларни тўла ўзлаштириб олиш учун ҳам анча меҳнат қилишга тўғри келади. Муаллиф Европа ва Шарқдаги кўплаб олимларнинг номларини тилга олади. Шунинг ўзиёқ унинг турфа манбалар билан танишлигини кўрсатиб турибди. Тўғри, олим сал бошқачароқ йўлдан боради: Ҳеродотми, Мирхондми ёки бирон муаррихнинг номини айтиб: "Фалончи ҳам бундай деган", — қабилида гапириб кетаверади. Китобда биронта илмий асарнинг номи келтирилмагани жиддий нуқсондир.

Тадқиқот қадимий туркий қабилаларнинг инсоният тарихидаги буюк хизматларини ёритиш жиҳатидан ҳам аҳамиятли. Муаллиф, масалан, искифларнинг Яқин Шарқдаги фаолияти, хунларнинг Хитой империяси ва Европа давлатлари билан муносабатлари, туркий қавмларнинг бошқа қўшни халқлар билан маданий-иқтисодий-сиёсий алоқалари ҳақида кўп маълумотлар беради. Улар, шубҳасиз, китобхоннинг билимини кенгайтириб, маънавиятини бойитади. Умуман олганда, "Туркий салтанатлар" китобида туркий салтанатларнинг пайдо бўлиши, юксалиш ва таназзул сабаблари юзасидан анча жўяли фикрлар келтирилади. Таассуфки, китобдан кўнглимиз тўлмаётган жиҳатлар жуда кўп. Ана шу йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ва айрим "кашфиёт"лар хусусида баҳс юритамиз.

Муаллифнинг оддий хатоларига тўхталиб ўтирмаймиз, аммо унинг жиддий, нотўғри, ғайри илмий фикрларига муносабат билдириш бурчимиздир.

Маълум бир юрт тарихини ана шу ердаги халқ тарихидан ажратиб ёритиб бўлмайди. Шуниси ажабланарлики, айни шу масалада муаллиф мутлақо тескари йўл тутади. Унингча, қадимда Туркистон ва Ғарбий Сибирда яшаган қабилалар, жумладан, искифлар, саклар, массагетлар ва бошқа қавмлар ҳинд-европа оиласининг ҳинд-эрон ёки орий гуруҳига кирармиш (14-бет). Олим китобнинг 18-бетида шундай хулоса чиқаради: "Все арийцы, которые сохранили верность древним богам, стали туранцами, а сторонники Заратустры — иранцами. Так совершилось разделение на Иран и Туран". Хуллас, муаллифнинг фикрига кўра, искифлар орийлардир. Қадимги дунё тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган сарматлар ҳам худди шундай (22-бет). Муаллиф Орол, Балхаш, Иртиш бўйларида, Олтойда, Енисей дарёси бошланиши — Минусинск ҳудудларида фақат ҳинд-европа қавмларини кўради. Бу ўлкаларда асосан қадимги туркий халқларнинг аждодлари ҳам яшаганини бутун дунё билади-ку. Муаллиф китоб муқаддимасида туркийларнинг темир қозони ҳақидаги ривоятини келтириб, бу қавмлар Марказий Осиё ҳудудларидан бутун дунёга тарқалганини таъкидлаган эди. Кейинги мулоҳазалари билан у дарахт устига чиқиб олиб, ўзи турган шохни кесаётган одамга ўхшаб кетади: аввалги фикрларини бирин-кетин инкор эта бошлайди. Туркийлар Туронда, Олтойда, Енисей бўйларида яшамаган бўлса, бу ерларда фақат ҳинд-европаликлар макон тутган десак, унда туркий қавмлар ер юзига осмондан тушиб қолганми?

Олтойдаги Пазириқ қўрғонидан (эр.ав. V-II асрлар), умуман Ғарбий Сибирдан жуда кўп олтин буюмлар топилгани илм аҳлига маълум. Улар ҳақида муаллиф шундай ёзади: бу ёдгорликларнинг "турк-мўғулларга ҳеч қандай алоқаси йўқ", улар "искифлар, саклар ва сарматлар мансуб бўлган ҳинд-европаликларникидир" (24-бет). Бу даражада қатъий хулоса чиқариш учун далил борми? Муаллиф шундай талмовсирайди: "Олимларнинг фикрига кўра..." Хўш, бу олимлар ким? Улар қайси асарларида шундай деган? Бу саволлар жумбоқлигича қолаверади.

Тўғри, Р.Раҳмоналиевнинг юқоридаги хато фикрларини юксак унвонли тадқиқотчилар ҳам кўпдан бери такрорлаб келадилар. Шўро даврида биргина Москва ва собиқ Ленинградда жилд-жилд шундай китоблар чоп этилган эди. Муаллиф гарчи манбасини кўрсатмаса-да, нотўғри фикрларни таваккалига такрорлайверади. Хўш, гап нимада ўзи? Ҳамма гап шундаки, қадимги искиф, сак, массагет, даҳ сингари қабилаларнинг тилига доир ёзма манбалар бизгача етиб келмаган. Улар босқинчилар томонидан аёвсиз йўқ қилиб юборилган. Беруний бобомиз айтганларидек: "Оқибатда бу халқларнинг тарихи тиклаб бўлмайдиган" даражага келиб қолган. Ҳозир баъзилар дастак қилаётган "сак тили", "сўғд тили" ёдгорликлари эса анча кейин бунёд этилган бўлиб, улар чинакам тарих манзараларини тиклай олмайди. Қизиғи шундаки, олимлар деярли бир овоздан бу қавмлар ҳинд-европа қавмларига мансуб, аммо қиёфаси, кийим-кечаги, маиший ва жанговар турмуш тарзига кўра қадимий туркийларга ўхшайдилар, деб ёзадилар. Р.Раҳмоналиев ҳам бу қарашни маъқуллайди ва искифлар билан хунлар, туркютлар (кўк турклар)га хос ўхшашликларни тилга олади. Савол туғилади: улар ҳинд-европа қавмларига мансуб бўлса, нега қиёфаси, кийим-кечаги, турмуш тарзи уларникидан фарқ қилади? Нега улар туркийларга ўхшаб ҳаёт кечирадилар-у, бошқа тилда сўзлашадилар? Ғалати зиддият! Балки юқоридаги қавмлар туркий тилда сўзлашгандирлар? Нега масалани шу тарзда қўйиш мумкин эмас? Келинг, қадимги юнон олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган искифча кийим ва жой номларини кўздан кечириб кўрайлик. Зеро, Р.Раҳмоналиев "Ҳеродотнинг искифларга доир маълумотлари чинакам эроний атамаларга мос келади", — деб таъкидлайди (21-бет). Таниқли татар олимлари М.Закиев, Н.Фаттоҳ, А.Каримуллин ана шу номлар маъноларини мутлақо бошқача изоҳлаганлар. "Тарихнинг отаси" ҳисобланмиш Ҳеродот асарларида баъзи искиф маъбудлари номлари учрайди. Юнонларнинг бош маъбуди Зевс ва хотини Геяга мос келадиган искиф илоҳлари "Папей" ва "Апи" деб аталган. Олимлар айнан ана шу сўзларни эронча изоҳлаб бўлмаслигини қайд этадилар (А.И.Доватур, Д.П.Каллистов, И.А.Шишова. "Народы нашей страны в "Истори Геродота", М., 1982). Хўш, форсча эронча изоҳлаб бўлмаса, бу сўзлар қайси тилга киради?! Синчиклаб қарасангиз, Папей — туркий бабай, папай, бобо, баба экани, Апи эса аби, апай, эна, эби — она, буви экани шундоққина кўриниб турибди.

Ҳеродот искифлардаги "бир кўзли кишилар" — "аримаспи" ҳақида ҳам ёзади: искифча арима — бир, спу — кўз. Бу сўзни ҳам форсча изоҳлаб бўлмайди (юқоридаги китоб, 256-бет). Гап кўзи қисиқ, ярим юмуқ кишилар ҳақида кетяпти. Арима — туркий яримга тўғри келади. Сал-пал очиқ кўз туркий тилларда спу (сепи) дейилади. Демак, искифча аримаспи — туркий ярим, сепи — кўзи қисиқ маъносини билдиради. Шимолий минтақаларда яшовчи кўзи қисиқ туркийларни кўз олдингизга келтиринг. Дарвоқе, Ҳеродот аримаспилар Шимолда яшайди, деб маълумот беради. (Бу мисолларни татар олими М.З.Закиевнинг "Қадимги туркийлар ва уларнинг тилини ўрганиш" мақоласидан олдик. "Тюркское языкознание", Т., 1985.)

Бундан ташқари, Иртиш, Енисей (Энасой) каби соф туркий сўзлар муаллиф тарихни сохталаштираётганини очиқ кўрсатмайдими? Иртиш, Энасой, Олтой, Байкал (Бойкўл), Ёйиқ, Итил, Ўрол сингари минглаб сўзларни ишлатган халқни қайси тил гуруҳига киритамиз энди?

Кўрамизки, Ҳеродотдаги кўпгина искиф сўзлари айнан туркий маъноларга мос келяпти. Искифларнинг кийим-кечаги, қурол-яроғи, турмуш тарзи туркийча, бунинг устига сўзлари ҳам туркийга мос келса, нега энди уларни ҳадеб, "ҳинд-европаликлар" қавмига зўрлаб киргизишимиз керак?

Шарқ тарихини Европа олимларидан кўра яхшироқ билган буюк ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру "Умумжаҳон тарихига бир назар" номли уч жилдлик улкан китобида саклар ҳақида шундай ёзган эди: "Кейинроқ сакларнинг кириб келиши бошланди, улар сон жиҳатдан кўп бўлиб, бутун Шимолий ва Ғарбий Ҳиндистонга тарқалдилар. Саклар туркий кўчманчиларнинг катта уруғларидан эди. Уларни ўз яйловларидан бошқа қабилалар — кушонлар сиқиб чиқарганлар" (I жилд, 129-бет, М., 1977).

Жавоҳарлаъл Неру-ку давлат арбоби, тилшунос ёки қадимшунос (археолог) мутахассис эмас, дерсиз? Бу борада ҳозирги олимлар қандай фикрда? Масалага шу жиҳатдан ҳам қараб кўрайлик-чи! Юқорида тилга олинган Ҳеродот ҳақидаги тадқиқотда шундай ёзилган: "Некоторые исследователи предполагали, что саки первоначально не были иранцами, а приняли иранский язык от окружающего населения ... или что, по крайней мере, верхний слой саков был тюркским или монголским". (394-бет).

Яна бир мисол келтирамиз. Қадимшунослар Енисейдаги Тагар манзилгоҳидан топилган от суяклари ва асбоб-анжомларни текшириб, улар Марказий Осиё сакларининикига жуда ўхшашлигини аниқладилар. Уларни синчиклаб ўрганган рус олими Н.Л.Членова "Тагар отлари" мақоласида ниҳоятда муҳим хулосани илгари суради. Эрадан олдинги форс истилолари даврида (VI—V асрлар) сакларнинг катта гуруҳи (сак-тиграхауд) ўз ўлкаларини тарк этиб, Енисей бўйларига кетганлар. Улар босқинчиларга бўйсунишни хоҳламаганлари учун бу кескин чорани қўллашга мажбур бўлганлар. Ўрта Осиё ва Еттисув саклари билан Тагар искифларининг бир ирққа мансублиги қадимшуносларнинг заҳматли меҳнати туфайли исботланди. Сакларнинг тили дастлаб туркий бўлганлиги ҳақидаги мулоҳаза билан кейинги мисолни қиёслаб, мантиқий хулоса чиқарилса, бу қавмлар туркийларга мансублигига шубҳа қолмайди.

Яна нима дейиш мумкин? Дарвоқе, машҳур қадимшунос — тарихчи С.П.Толстов қадимги шумер тили билан туркий тиллардаги ўхшаш жиҳатларни қиёслаган эди. Олим кузатувларини умумлаштириб, шундай хулоса чиқаради: "Ўрта Осиё халқларининг Олд Осиё халқлари билан алоқалари ҳинд-европа муносабатларидан бурунги даврга бориб тақалади". Искифларнинг туркий тилда сўзлашганига бундан ортиқ яна қандай исбот керак?

Дарвоқе, таниқли қозоқ шоири Олжас Сулаймонов ҳам "А З и Я" китобида шумер тилидаги тўрт юздан зиёд туркий сўзни аниқлагани ҳақида ёзган эди.

Машҳур татар академиги Аброр Каримуллин эса "Америка ҳиндулари ва қадимги туркийлар" китобида (М., 1995) бу асар бизнинг таржимамизда "Жаҳон адабиёти" журналида (1998, 10-сон — О.А.) босилган сиу, майя каби ҳинду қабилалари тилида юзлаб туркий сўзлар борлигини исботлади.

Яна бир мулоҳазага эътибор беринг. Юнонлар, араблар, мўғуллар ҳамда чор қўшинлари Ўрта Осиёни забт этиб, юз йиллаб ҳукм юритгани маълум. Аммо зўр бериб уринишларга қарамай, маҳаллий аҳоли ўз тилини сақлаб қолди ва истилочиларга аралашиб кетмади. Муаллиф эса бизни Шарқдан келган гунлар, кушонлар, эфталитлар, туркютлар истилосидан кейин Евроосиё чўл ҳудудлари ва Марказий Осиёдаги халқлар жуда тез "туркийлашиб" кетганига ишонтирмоқчи бўлади. Ваҳоланки, қадимда ҳам, бугунги кунда ҳам Днепрдан тортиб Байкалгача бўлган чўл ҳудудида гагаузлар, қримлар, бошқирдлар, татарлар, нўғайлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, тувалар, олтойлар, хакаслар, шорлар, уйғурлар, ёқутлар ва бошқа туркий қавмлар яшаб келмоқда. Нега улар рус, украин, молдаван, хитой, мўғул, бурят каби миллатлар таркибига сингиб кетмаганлиги, бу ҳудудда ҳамон туркий жой номлари сақланиб қолганлиги ҳам кўп нарсаларни ойдинлаштиради. Р.Раҳмоналиев кўпдан бери такрорланаётган ва аллақачон рад этилган эски ашулага жўр бўлган. Қадимий бой анъаналарга, кўҳна маданиятга эга бўлган ва неча-неча минг йиллардан бери аждодлари Мовароуннаҳрда яшаб келаётган халқ тарихини сохталаштиришни қандай баҳолаш керак?

Китобда хато ёзилган исмлар, жой номлари шу даражада қалашиб кетганки, уларни ўқиб, муаллиф ҳамда масъул муҳаррирлар, умуман, тарихни биладими-йўқми, деб ўйланиб қоласиз.

Муаллифнинг яна катта бир "кашфиёт"и кўчирмачиликда намоён бўлади. Олим илмдаги ҳалоллигу маънавий қадриятлардан юз ўгириб, Л.Гумилевнинг "Древняя Русь и Великая степь", А.Якубовскийнинг "Тимур" тадқиқотлари, профессор И.Умняков, Г.Пугаченкова, Л.Ремпель каби олимларнинг мақолаларидан бутун-бутун саҳифаларни шундоққина кўчириб олаверади. Манбалар, асарларнинг номи, муаллифларнинг исми шарифлари эса келтирилмайди.

Баъзи ўринларда Р.Раҳмоналиев матнга айрим сўзлар ва жумлалар қўшган ва қаторларни ўзгартирган, холос. Кейинроқ бу усул уни зериктиради шекилли, тўла ўзлаштириш йўлига ўтиб қўя қолади. Масалан, 578-бетда: "И так, в 1388 — 96 гг. профессионалы победили дилетантов", — деб бошланадиган узун матн 620-бетдан то охиригача ҳеч ўзгаришсиз кўчирилган. Ундан сўнг келадиган ва "Тимур был гениальным политиком", деб давом этадиган умумлашма хулосалар ҳам, кейинги қатор хатбошилар ҳам 620-бетдан айнан олинган.

Р.Раҳмоналиев бу услубдан "самарали" фойдаланиб, А.Якубовскийнинг "Тимур" монографиясидан ("Тамерлан", М., 1992) 23, 24, 25, 26, 27-бетларини шундоққина кўчириб қўя қолган (533-536, 539-бетлар). Бу услуб кейинги бетларда анча такомиллашиб боради. Муаллиф И.Умняковнинг "Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой", деб номланган мазмундор, далилларга бой мақоласи босилган 515, 517, 518, 519, 520, 521-бетларни кўчирар экан, айрим жойларини тузатиб, "тўғрилаб" кетишни унутмайди. Китобнинг 702, 703, 704, 705, 706, 707, 708, 709, 710-бетлари ҳам И.Умняковдан тўла кўчирилганки, буни кўрганингизда "Қойил э!" деб юборганингизни билмай қоласиз.

Р.Раҳмоналиев Л.Гумилев китобидаги Темур ва Тўхтамиш муносабатларига доир фикрларни ҳам (608-618-бетлар) айнан ўзлаштириб, ўз номига ўтказиб олаверган (565, 566, 572, 574, 577, 578, 579, 580, 581-бетлар). Бу ҳолатни кўчирмачилик дейсизми, илмий ўғирлик дейсизми — ихтиёр ўзингизда. Хайриятки, ҳамма ҳам Р.Раҳмоналиев "усули"дан фойдаланавермайди. Акс ҳолда, дунёда илмий асар ёзишдан кўра жўн, осон нарса бўлмас эди.

Биз "Амир Темур салтанати" бобидаги айрим ўринларнигина қиёслаб, таққослаб чиқдик. Агар қунт ва чидам билан қолган боблар ҳам "чиғириқ"дан ўтказилса, муаллифнинг бошқа кўчирмачиликларини-да аниқлаш қийин эмас.

Л.Гумилевнинг "Қадимги турклар" асари билан Р.Раҳмоналиев китоби қиёсланганда ҳам фикримиз ойдинлашади. У Л.Гумилев китобидан 21, 22, 23-бетларни айнан кўчириб олган. Фақат фарқи шундаки, Л.Гумилев ўзидан олдин бу хусусда сўз юритган П.Пельо ва А.Н.Кононовнинг номини тилга олади ва манбаларни аниқ келтириб, изоҳлар беради. Тарихчи мартабасига эга бўлган Р.Раҳмоналиев эса илмга номуносиб йўл тутаётганини хаёлига ҳам келтирмайди, бировлар игнада қудуқ қазигандек катта машаққат билан тўплаган хулосаларни, умумлашмаларни бемалол ўзиники қилиб олаверади.

Муаллиф китобнинг 527-бетида Амир Темур фаолияти хусусида сўз юритиб, шўро даври тарихчиларининг сохта қарашларини такрорлайди.

Академик, профессор, тарих ва фалсафа фанлари доктори бўлган Р.Раҳмоналиев эски ашулага кўр-кўрона жўр бўлиш ўрнига бу сохталикни рад этиши керак эмасмиди?

Китобни ўқир экансиз, юзлаб саволлар қалашиб келаверади. Муаммолар, жиддий илмий масалалар пала-партиш ва бир ёқлама, нотўғри ёритилгани, асоссиз хулосалар чиқарилиб, тарих ҳақиқати сохталаштирилгани учун Р.Раҳмоналиевнинг "Туркий салтанатлар" китобини, афсуски, холис, теран тадқиқотлар қаторига қўшиб бўлмайди.

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари номзоди,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## ДОИМИЙ ҲАМРОҲ



Таниқли журналист Нусрат Раҳматни газетхонлар яхши билишади, унинг ўткир, долзарб мавзудаги муаммоли мақолалари қўлингиздаги севимли газетанинг мундарижасини ҳам кўп бор бойитган. 1987 йили чоп этилган "Мен редакцияданман" номли китоби ёзувчининг ўзинигина эмас, касбкори, яъни мухбирликнинг сир-асрорлари, заҳмату машаққатлари билан муштарийларни яқиндан таништирган эди. Ўша рисола ҳам жамоатчилик томонидан яхши қабул қилинганди.

Мана, яқинда "Чўлпон" нашриёти Нусрат Раҳматнинг ҳаётий ҳикоялардан иборат "Мен мухбирман" деб номланган китобини нашрдан чиқарди. Бу китоб олдингисидан бошқача. "Йиллар ўтиб, бугуннинг (2003 йил) кўзойнаги билан қарасам, ибратомуз воқеалар, ҳалол, камтарин инсонлар, сурурли саргузаштлар билан бирга, социалистик реализм қолипига тушадиган гапларни ҳам анчайин қалаштирган эканман.

Зеро, мустақиллик борлиққа тиниқ кўзойнак билан қарашни, ҳаётга теран назар солишни тақозо этади. Асарни қайта ишлашда бу эврилиш ва эминликларга эътибор бермасдан иложим йўқ эди", деб изоҳ беради китоб муқаддимасида муаллиф.

"Мен мухбирман" китобидаги ҳикоялар катта қизиқиш билан ўқилади. Уларнинг ҳар қайсисида сиз ҳаётнинг қайноқ нуқталарида ҳақ сўзни излаган куюнчак журналистнинг фаол саъй-ҳаракатларига гувоҳ бўласиз. Н.Раҳмат хизмат ва касби тақозоси билан дуч келган турли-туман тоифадаги одамлар, ўзи кўрган, бевосита гувоҳи бўлган ҳодисалар, юртдошларимизнинг қувончу ташвишлари, турмуш муаммолари борасида таъсирчан, холис ва самимий тилда ҳикоя қилади. Муаллифнинг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан хулосалари бугунги турмушимиз, эртанги кунимиз ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга даъват этади ва айни пайтда "Мен мухбирман" рисоласи ёш қаламкашлар, бўлажак журналистлар учун амалий аҳамиятга молик қўлланма вазифасини ҳам ўтай олади.

# "НАФОСАТ" АНЖУМАНИ

Улкан тоғлар бағрида булоқ кўз очса, кўриб кўзимиз қувонади. Лекин у ўз йўлини топиб кетгунча қанча тошларга бошини уради. Улғайиш поғоналари ҳам шунга ўхшаш: истеъдод кашф этилади, пайдо бўлган жажжи ижодкорга эса йўл керак, йўриқ керак...

Шу муносабат билан ташкил этилган "Нафосат" анжумани мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён ҳар йили мактаб ўқувчилари орасида ўтказиб келинади. Анъана тусига кирган мазкур анжуман тилимизга давлат тили мақоми берилган кун арафасида ўз ишини бошлайди. Бу гал ҳам Қорақалпоғистон Республикаси ва турли вилоятлардан келган ҳамда тошкентлик иқтидорли ёш қаламкашлар пойтахтимиздаги "Ўқувчи ва ёш ўсмирлар уйи"га тўпланишди.

Мурғак қалблари меҳрга тўла иштирокчилар устозлар — Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, таниқли шоирлар Икром Отамурод, Азиз Саидлардан тилаклар тинглашди, "оқ йўл"лар олишди. Икки нафар қатнашчи Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейида ўқиш учун йўлланма олди. Асосийси, барча нафосатчилар ижодидан намуналар "Истиқлол ғунчалари" номли тўпламда нашр этиладиган бўлди.

Анжуман қатнашчиларидан хоразмлик Фароғат Жабборова, самарқандлик Турсунпўлат Эгамов, қорақалпоғистонлик Шаҳло Ромоноваларнинг шеърлари, айниқса, барчага манзур бўлди.

Муҳими, янги-янги истеъдодлар кашф этилди, учрашувлар ва мушоиралар бўлди. Эндиликда иштирокчилар анжуман ҳақидаги таассуротлари билан чекка қишлоқлару туманларда тенгдошлари билан ўртоқлашишади, деб умид қиламиз.

**Рустам ЎТАМУРОД**

**Тибет табобати, хитойча игна муолажаси, африкалик шомонлар ёрдамида даволаниш, филиппинлик хилер (жарроҳ)лар амаллари — булар бари бугун жаҳонда эътибор топаётган ғаройиб ҳодисалар сирасидан. Дунё мамлакатларида Тибет табобатининг янгидан-янги шифохоналари очилаётир, ундан нажот истаб мурожаат этаётганлар сони эса кун сайин ошиб бормоқда. Хўш, бундайин машҳурликнинг сирлари нимада?**

**"АиФ" газетаси мухбири Тибет табобати шифохонасида бўлиб, бир неча минг йиллик тарихга эга муолажа сирларидан воқиф бўлишга уринган. Қуйида сиз шу газетадан таржима қилинган суҳбат ва тафсилотлар билан танишасиз.**

# ТИБЕТ ТАБОБАТИ СИРЛАРИ

## антибиотиклар ўрнида гиёҳлар ва олтин

### ТИБЕТЧА ТАШХИС

— *Қўлингни бер,* — сарғиш рангли кийимдаги роҳиб билагимни ушлаб, учта бармоғи билан томиримни босиб кўрди. — *Бошинг тез-тез оғрийдими? Нега уйқунг нотинч?*

Кетма-кет берилаётган саволлардан ўзимни йўқотиб жим туравердим, табиб эса савол беришда давом этарди:

— *Чекишни ташлаганингга қанча бўлди? Нега қаҳва ичмайсан? Кўп ишлаб энг муҳим беш унсурдан иккитасига зарар етказибсан, олов унсуриям зарар кўрган. Бу яхшимас.*

"Носоғлом турмуш тарзим" учун танбеҳ бераркан, роҳиб ўн-ўн беш дақиқадан кейин билагимни қўйиб юборди (бармоқларидан қўлимда қизғиш доғлар қолди) ва умуртқамга уриб кўра бошлади. Танамдаги икки нуқтани куч билан босиб кўргач, хўрсиниб бошини чайқаганча столга ўтирди. Бир парча қорамтир қоғозга чўзинчоқ тибет ҳарфларида керакли дорилар рўйхатини ёза бошлади.

**— Бўлдими? — ажабландим. — Шуми, текширганингиз?**

— *Ҳа, шу. Нима, бирор нотўғри гап айтдимми?*

**— Ҳаммаси тўғри... лекин жуда тез текшираркансиз.**

— *Вақтни чўзишни нима кераги бор? Бориб, дориларингни ол.*

Дхармсала (Шимолий Ҳиндистондаги далай-лама қароргоҳи жойлашган тибетликлар шаҳри) маҳаллий шифохоналарида даволаниш учун келган хорижликлар тўлиб кетган. Ваҳоланки, бу ерга келиш учун тоғ йўлидан ўн икки соат юриш керак. Тибет табобати ҳали ҳамон жавоби топилмаган кўҳна жумбоқлар сирасидан. III — IV асрлардаёқ Қадимги Тибетда ҳинд, форс ва хитой табиблари мажлислар қуришиб, табобат сирлари билан ўзаро ўртоқлашишган. Бу тоғлар бағридаги ўлкада икки минг йиллар илгари яратилган муолажа сабоқлари ўша даврдан бери деярли ўзгармаган: тибетликлар электрон жиҳозларни ишлатишмайди, антибиотикларни инкор этган ҳолда, тоғ гиёҳларидан тайёрланган дориларни қўллашади. Ташхис қўйиш усули ҳам содда — уч бармоқ билан беморнинг томир уриши текширилиб, касаллик аниқланади.



### ГИЁҲ ЙИҒУВЧИ ГУРУҲЛАР

Тибетдаги касалхоналарга кирсангиз, турли-туман гиёҳлар ҳидидан бошингиз айланади. Табиб мўъжазгина хонада ўтиради, катта қўшни хонада эса бир тўда хизматчилар доривор гиёҳлардан тайёрланган шарчаларни навларга ажратиб, шиша идишларга солишади. Бир хил гиёҳлар арoқхўрликка қарши, бошқалари тумовга, тиш оғриғига қарши ишлатилади. Алоҳида қўйилган катта шиша идишда кўл бўйида ўсадиган "инг ме" гуллари қуритилган ҳолда сақланади, тинчлантирадиган бу малҳамни кўпроқ аёллар харид қилишади.

— *Тибет табобатининг асоси Ҳимолай тизмаларида ўсадиган доривор гиёҳлардир,* — дейди Тибетнинг бош шифохонаси "Мен Тцее Ханг" директори Самдуп Лхацэ. — *Авваллари тибетликлар (хитойликлар каби) ҳайвон аъзоларидан, масалан, қуритилган қурбақа гўшти ёки айиқ сафросига ўхшаш нарсалардан фойдаланишарди. Аммо аҳолимиз инсон руҳининг кўчишига ишона бошлагач, ҳукумат табибларга дори учун жониворларни ўлдиришни таъқиқлаб қўйди. Ўша пайтдан бошлаб табибларимиз бутунлай гиёҳлар билан иш юритадиган бўлди. Доривор гиёҳлардан ташқари турли минераллар, ҳатто олтин ва бошқа металлардан ҳам фойдалана бошланди. Ҳайвон аъзоларидан фақат кийикнинг шохидан фойдаланамиз. Шохни ҳам кийик кузда ўзи ташлайди. Шохдан тайёрланган дамлама киши иммунитетини оширади.*

## РУҲИЯТ ИҚЛИМЛАРИ

Ҳовлидаги табиб қўлларида шиша идиш ва соябон кўтарган, елкаларига кўрпа-тўшак ҳамда тоғликларга ўхшаб илгакларни осиб олган ғалати одамларга буйруқ бераётир. Ҳар йили баҳор ва куз фаслларида тибетлик табиблар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, шифобахш гиёҳ ва илдизларни йиғиш мақсадида тоғларни қарич-ма-қарич текшириб чиқишади. Мутахассислар анча вақт бу ёввойи гиёҳларни (масалан, бош оғриғини қолдирувчи "хэнг" каби ўсимликларни) уй шароитида ўстиришга уриниб кўришди. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади: гиёҳлар фақат тоғ ҳавосидагина ўсаркан.

— *Бизнинг табобатимиз бошқа юртларникидан анча фарқ қилади,* — дейди Самдуп Лхацэ. — *Чет эллик шифокорлар танада аллақачон пайдо бўлган касалликни даволайдилар, бизнинг ишимиз эса хасталикнинг олдини олиб, унинг юзага чиқишига йўл қўймаслик. Тибетдаги қадимги қоидаларга кўра, киши камида ойда бир марта шифокор кўригидан ўтиб туриши керак. Шундай қилинганда, касалликни илк босқичидаёқ бартараф этиш имкони туғилади. Агар киши ўз соғлиғига путур етказган, икки-уч йиллаб табибга учрамаган бўлса, табиб уни тибет усулида даволашдан бош тортиши мумкин. Чунки бундай ҳолатда муолажадан фойда бўлмайди.*

**— Умуман олганда, табобатнинг ҳар қандай тури сеҳру жоду эмас-ку, мўъжиза ўз-ўзидан рўй бермайди-ку, шундай эмасми?**

— *Албатта. Гиёҳларимиздан ОИТС-га қарши дори тайёрлашга узоқ уриндик, лекин натижа бўлмади. Бироқ нотабиий пневманиянинг олдини олиш усулини топдик. Сабаби, тибетликлар ҳар баҳор ва кузда (юз йиллардан буён) юқумли тумовга қарши гиёҳлардан тайёрланган дори ичиб туришади. САРС эпидемияси Хитойга хуруж қилганда, қўшни Тибет туманларида бу хасталик билан ҳеч ким оғримади.*

**Тибет табобати дастурномасида таъкидланишича, ер юзида кўкарадиган қанчаки гиёҳ бор, уларнинг барчасидан малҳам сифатида фойдаланиш мумкин. Табиблар беморларни игна санчиб, гиёҳ солинган сувда чўмилтириб даволайдилар. Тибетлик табиблар тана касалликларини, болалар ва аёллар касалликларини, жинлар етказган хасталикларни, қариликни, заҳарланиш ва яраларни... ҳамда жинсий ожизликни оғир касалликлар сирасига киритишади. Бироқ Тибет табобати ўтган асрда пайдо бўлган ОИТС касаллиги ва Эболо вирусини даволашга эриша олмади. Бу касалликларга қарши ишлатиладиган қадимги рецептлар йўқлиги табибларни чекинишга мажбур этди. Шунга қарамай, саратонни улар илк босқичида муваффақиятли даволашаётир. Айниқса, оққон хасталигини. Улар гиёҳлар ёрдамида бемор қонини тез орада тозалашга эришишмоқда.**

**Тибет табобатининг асосий қоидасида касалликка чалинмаслик учун қандай яшаш, нимани еб-ичишни билиш кераклиги алоҳида уқтирилади.**

**А.ОТАБОЕВ** таржимаси

*(Давоми келгуси сонда.)*

## ЁДНОМА

# ЎЗ ТИЛИНИ СЕВАРДИ



Усмон Носирнинг этикдўз қўшнисига ўхшаб кетадиган Сталин ўлганда бобомнинг хонадонида янги чақалоқ — онам туғилган экан. Бувимнинг айтишича, "доҳий"нинг ўлими сабаб чақалоқнинг туғилганлиги шарафига бўладиган хурсандчилик у ёқда турсин, ҳатто оиладагилар янги меҳмон билан бир-бирларини табриклашга ҳам қўрқишган. Хонадонга доя кетидан сирғалиб кирган қавму қариндош, қўни-қўшнилар ҳам жим, оғиз очиб "чурқ" этишмаган. Чунки уларни ўлимдан хабар берган дикторнинг овози карахт қилиб қўйган: гапиришдан, ҳатто йиғлашдан ҳам ҳадиксирашган. Чунки ўша пайтда бу қадар даҳшатли хабарни эълон қилиш фақат бир одамнинг — Сталиннинггина қўлидан келарди, холос.

Орадан кўп ўтмай, худди кўланкасиз кетган йигитлар сафидай, у замонда таъқиқланган китоблар пайдо бўлиб, қатағон йилларининг сукунатини буза бошлаган. Бундай китоблардан ҳақиқатни англаганлар, шахсга сиғиниш даври кирдикорларидан очиқ нафратланишган, ҳақиқатни ёзган ва айтган, аммо ўзлари шаҳид кетган оталарнинг мардлигига қойил қолишган.

Сталин истибдодига қарши ёзиш, унинг ўзига қарата ўқ узиш билан баробар эканлиги ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам ўз даврида бу ҳақда рўй-рост ёзган китоблар унчалик кўп бўлмаган. Чунки мустабид тузумга қарши оғиз очган одамлар ўша заҳоти отиб ташланган, бош кўтариши мумкин бўлганлари қамоққа олинган.

Эндигина 24 ёшга кирган ажойиб шоир, буюк Лермонтов шеъриятининг зукко таржимони Усмон Носир бор-йўғи "доҳий деганлари оддий одам — бизнинг этикдўз қўшнимизга ўхшаб кетади" деган мутойибаси эвазига ўз умрини товон қилиб тўлагани сабаби ҳам шунда.

Афсуски, Усмон Носир қисматидай аянчли қисмат битта-иккита бўлган эмас, билъакс кўп: Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон гўзал шеърлар билан бирга "Кеча ва кундуз" романини ҳам ёзган. Унинг "Кеча" қисми узоқ йиллик таъқиқдан сўнг мустақиллик давридагина китоб ҳолида нашр этилди. Аммо асарнинг "Кундуз" қисми худди Чўлпон қабридайин номаълум ва изсиздир.

Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий асарлари ҳам истибдод замонида эътиборсиз ётди.

Жадидлар йўлбошчиси Беҳбудийни мулку миллат орасидаги улуғ обрўйидан қўрқиб, маҳв этишган бўлса, Чўлпон ва Фитратдек миллатпарварларни эса "миллатчи" деган туҳмат билан отиб ташладилар.

Лермонтовнинг "Демон" достонини ўгирган Усмон Носир ўз тилини, ўз маданиятини ҳам қаттиқ севарди. Халқимиз тарихи билан фахрланарди. Шунинг учун мустабид тузум пешволари уни ҳам нишонга олишди. Уларнинг бундай чин миллатпарварлардан қўрқишгани, аслида, ўзларининг сир бой бермас миллатчилиги эмасмиди? Ана шу сир бой бермас миллатчилик боис вақти-вақти билан миллий қатағонлар уюштириб туриларди. Бу қатағонлар эса миллатнинг не-не даҳоларини ўз домига тортиб кетарди. Охир-оқибат у манфур салтанатнинг бошига етган ҳам ўзларининг миллатчилиги бўлди-ку!

Хуллас, Сталину Брежнев ва уларнинг нисбатан "халқпарвар" саналган издошлари тазйиқида кечган етмиш йиллик тарих халқимиз учун жуда қимматга тушди. Она тилимизнинг камситиб келингани ҳам шу манфур тарих билан боғлиқ. Биз 1989 йил 21 октябрдагина она тилимизга давлат тили мақоми берилишига эришдик. Ҳолбуки, ўшангача ҳам Ўзбекистон аҳолисининг 72 фоизини ўзбеклар, 13 фоизини русийзабонлар, 4 фоизини тожиклар, қолган 11 фоизини ўзбек тилини тушуна оладиган туркий қавм вакиллари ташкил этарди. Бизнинг мустақиллик учун юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бошлаган курашимиз ана шу масалада — тилимизнинг мавқеини қонун билан мустаҳкамлашга доир саъй-ҳаракатларимизда, айниқса, яққол-роқ намоён бўлган эди. Сўнг пахта қуллигига барҳам берилди. Бу қулликнинг манзараси шундай эди: Ўзбекистоннинг ҳавоси, сув ва тупроғи пестицид, инсектицид, бутифос каби заҳарли кимёвий дорилар билан йил сайин булғаб келинарди. Боз устига, ўша пайтда қишлоқ аҳолисининг аҳволи жуда ночор эди. Деҳқон меҳнати собиқ иттифоқда энг оғир меҳнат бўлишига қарамай, энг арзимас чақага раво кўриларди. Бошқача айтганда, 1 центнер пахта етиштиришга 37 соат вақт сарфлаган пахтакорнинг бир соатига бор-йўғи 16 тийин ҳақ тўланган. Эндиликда бу гаплар жуда ҳам эриш, кулгили туюлиши мумкин. Бироқ, афсуски, шундай бўлган.

Шукр, истиқлол туфайли ҳаётимиз кескин ўзгарди. Юксалиш сари юз бурдик. Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати. Шундай экан, тилимизда ҳам, дилимизда ҳам мана бу дуо мангу янграйди: Мустақиллигимиз мустаҳкам, истиқболимиз порлоқ бўлсин! Илоҳим!

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ, ЎзМУ талабаси**

# КЎЗИНГНИ ОЧ, ЭЙ КЎЗИ ОЧ!

Бир қарашда афсонага менгзайдиган мазкур воқеа замирида катта ҳақиқат бор. Зотан, мажор сайёҳи Ҳерман Вамбери: "Суви ширинликда Амуга тенг келадиган бошқа бир дарёни Ер юзининг бирор нуқтасида учратмадим", — деб ёзгани бор гап-ку. Хоразм қовунлари эса махсус идишларда хорижий мамлакатларга ҳам олиб кетилган. Хоразм қовунлари бугун ҳам ширин. Бироқ бутун жаҳонда экологик мувозанатнинг бузилиши, Оролнинг қуриши билан боғлиқ муаммолар ичаётган сувимизу, нафас олаётган ҳавомиз, ҳатто ўша машҳур қовунлар таркибида ҳам ўзини намоён этиб турибди. Шу боис буйрак ва жигар касалликлари ҳам нисбатан кўп. Бутун жаҳон бундай экологик муаммоларни ҳал этиш учун қаттиқ кураш бошлаган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам муҳитни соғломлаштириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилаётган пайтда яна бир муаммо пайдо бўлди. Бу айрим очкўз одамларнинг кўзи очлиги боис келиб чиққан "қўлбола ёғ" масаласидир.

Ҳозир истаган бозорга бориб кўринг. Сувдан бўшаган елим идишларда "қўлбола ёғ" сотаётган кимсаларга кўзингиз тушади. Чорсу бозорининг бир бурчагида ҳам елим идишларни қатор тизиб ўтирган шундай ёғфурушларни кўрасиз. Улар мўмай пул топиш илинжида ҳеч нарсадан тап тортмаслигини биласизми? Гап шундаки, дўконларда сотилаётган ёғдан юз-юз эллик сўм арзон турадиган бундай ёғлар қаерда ва қандай йўл билан тайёрланишидан харидорнинг мутлақо хабари йўқ. Ахир, ўйлаб кўринг: минглаб савдо дўконлари турганда ким ҳам заводларда ишлаб чиқарилаётган туппа-тузук ёғни кўчадаги ёғфурушларга бериб соттиради. Бунинг тагида бир сир йўқми?!

Бўлганда қандоқ. Сир шундаки, аввало ёғ заводларида пахта ёғи мураккаб тозалаш жараёнларидан ўтади. Унинг сифати учун тажрибахоналар муттасил равишда жиддий кузатув ишларини олиб боради. Мураккаб технология асосидаги тозалаш жараёнларини эса ҳеч бир кимса ўзининг уй шароитидаги жувозида йўлга қўя олмайди. Бунинг учун катта заводлар керак. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг охирига қадар, ўлкамизда то йирик пахта тозалаш заводлари қурилгунга қадар пахта чигитидан ёғ олинмаган. Мажор сайёҳи Херман Вамберининг кундаликлари шундан далолат беради. Ўрта Осиёликлар зиғир ва кунжут ёғларинигина истеъмол қилишган. Қадимдан шаклланган жувозда ёғ олиш усулида чигитдан мутлақо фойдаланилмаган.

Бугунги "қўлбола ёғ" ишловчилар эса зиғир ва кунжутга мосланган жувозларга у ер-бу ердан ноқонуний йўл билан ўмарган чигитни ҳам солиб, ундан ёғ олмоқдалар. Унинг рангига сарғиш тус бериш учун эса дуч келган кимёвий моддаларни аямай ишлатишмоқда. Оқибатда таъми ўхшагани билан фойдаланишга мутлақо яроқсиз ёғ ҳосил бўлади. Бозорлардаги чайқов расталарини қизитаётган ёғфурушлар қўлидаги ёғ мана шундай — турган-битгани заҳарзаққум бир нимарса. Бир-икки сўм арзонига учиб, уни сотиб олаётган харидорлар бу билан ўзининг ва болаларининг соғлиғини хавф остига қўяётганларини ўйлаб кўришлари керак.

Баднафслик йўлига кирган айрим кўзи очлар-ку, ўзининг бундай хатти-ҳаракатлари билан ўз биродарларини заҳарлашдан қайтмаётган экан, ҳеч бўлмаса, харидор кўзини очиши керак-ку. Аввало, ўша елим идишларнинг ҳам қаердан олиниши кўпчиликка қоронғи. Гоҳида суварак дори тайёрлайдиган тадбиркорлар елим идишни ирғитиб кетишади. Балки ўша идишларни йиғиб олишаётгандир. Уларни дезинфекция қилиш қайси тадбиркорнинг хаёлига келади, дейсиз. Бу идишларнинг у ёқ-бу ёғини айлантирсангиз, турли чўкиндилар ҳаракатланаётганини кўрасиз. Ахир, бу — нақ офатнинг ўзи-ку.

Гоҳида ёғ деб харид қилганингиз чой бўлиб чиқади. Баъзида доғлаш учун қозонга солинса, лов этиб ёниб кетади. Қўланса ҳидини айтмайсизми? Хўш, "қўлбола" ёғфурушларга маҳсулот сотиш ҳуқуқини ким бериб қўйибди? Миршаб либосидаги кишиларни кўришса, дувва қочишади. Пича фурсат ўтгач, ёғ бозори боз қизийди.

Айнан ўша елим идишлар хасталик манбаи ҳисобланмайдими? "Қўлбола ёғ"ларни арзон билиб, сотиб олган қанчадан-қанча хонадон аъзоларининг боши хасталикдан чиқмаяпти. Айни вақтда дори-дармон нархи қимматлигини чамалайдиган бўлсак, шу елим идишлар харидорларга нечоғлик моддий зарар келтираётганини тусмоллашимиз ҳам мумкин. Энг ёмони, бундай ясама ёғлар инсон жигарини "қотириб" ташлайди. Ҳакимларнинг гувоҳлик беришига қараганда, сифатсиз маҳсулотлар истеъмол қилиш, ҳаддан ташқари кўп дори-дармон қабул этиш жигар хасталигига сабаб бўларкан.

Хўш, "қўлбола" ёғфурушларни бозорга нима етаклаб келади? Очкўзлиги, худбинлиги эмасми? Наҳотки, улар ўз нафсига қул бўлиб, бошқалар соғлиғини назардан соқит этган бўлсалар?!

— Агарда одам рисоладагидек овқатланса, 125 ёшгача яшаши мумкин, — дейди шифокор Рўзмат Ражабов. — Кўп касалликларнинг бош сабабчиси эса сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилишдир.

Ҳадиси шарифларда таъкидланишича, истеъмол қилинаётган овқат сифати инсон феъл-атворига ҳам таъсир қиларкан. Тоза маҳсулотлар инсон меъдасига таъсир этиб, руҳиятига хотиржамлик бағишларкан. Сифатсиз таом эса, аксинча, одамда тажанглик, баджаҳллик иллатларини қўзғаркан. Шундай экан, ўз соғлиғимизни ўзимиз "қўлбола ёғ"лар ва бошқа сифатсиз маҳсулотлар билан бой бериб қўймайлик.

Нақл қилишларича, Расулуллоҳ таомни бир татиб кўришдаёқ, ошпазнинг кимлигини аниқлар экан. Овқат пишираётган маҳалда неъматларнинг сифатигина эмас, ошпазнинг кайфияти ҳам таомга таъсир этар экан. Агарда ошпазнинг вақти чоғ бўлса, пиширган таоми ҳам ширин чиқади, дейдилар. Дилгир бўлса, таом хуштаъмлигини йўқотар экан. Шунга қиёсан айтиш мумкинки, "қўлбола ёғ"у нохуш кайфият "уйғунлиги"да пиширилган овқатлар аъзойи баданда иллатлар қўзғатади.

Нақл қилишларича, қайсидир мамлакатдан Хоразмга бир машҳур табиб ташриф буюрибди. Узоқ йўл босиб чанқаган экан. Тошқудуқдан муздек сув ичиб, аъзойи бадани яйрабди. Сўнг қишлоқ кезибди. Қайси хонадонга борса, дастурхонда қаймоғу қатиқ, сут кўраркан. Ширин-шакар мевалардан тановул қила туриб, чуқур ўйга чўмибди. Одамларга юзланиб дебди: суви тоза, мева-чеваси ширин, дастурхонидан оқ аримайдиган бу элатга хасталикнинг ўзи бегона. Демак, Хоразмда менинг қиладиган ишим йўқ. Шу тариқа табиб бошқа минтақалар сари йўл олган экан.

Зотан, инсоннинг феъл-атвори ҳам хусусий ҳодиса эмас, балки бутун миллатга таъсир ўтказадиган умумий воқеликдир. Худди шу нуқтаи назардан қаралганда, кўзи очлик, худбинлик жабрини кўпчилик тортади. Дейлик, бир кимса 5-6 минг сўм турадиган деталнни ўғирлайман, деб йигирма миллион сўмга баҳоланадиган трансформаторни ишдан чиқариб қўяди. Натижада электр токи ўчгани боис қанчадан-қанча корхоналар ишдан тўхтайди. Чироқ важидан халқ қийналади. Наҳотки, ўша кимса майдагина деталга қўшиб, эл-улус хотиржамлигини, фароғатини ўғирлашини ҳис этмаса?!

Ёки қабристонлардан турли темир панжараларни ташиб кетиш ақлга сиғадиган ишми? Бу миллат қиёфасига тушган доғ-ку, ахир. Марҳумлар "мулки"га хиёнатни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бундай ножўя хатти-ҳаракатларга бефарқлик, лоқайдлик одам боласини разолат ботқоғига ботириб қўйиши ҳеч гап эмас. Бу ҳам кўзи очликнинг бир белгиси эмасмикан?

Мақоламиз аввалида Хоразмга ташриф буюрган табибнинг оқликка эътибор қаратганига бежиз урғу бермадик. Зотан, она сути ҳам оқ. Бу ёруғ оламга ташриф буюрган чақалоқни оқ либосларга ўрайдилар. Шундай экан, оқлик ва поклик, кўзи тўқлик доимо йўлдошимиз бўлсин.

**Б.РЎЗМЕТОВ**

## Дунё — кенг...



### ИЛМИ НУЖУМ ЁЛҒОНМИ?

**XXI аср одамларига бу дунёнинг жуда кўп сиру синоатлари аён. Бироқ қизиғи шундаки, ҳар куни эрталаб бугуни ва эртасини нималар кутаётганини билиш иштиёқида ўз ҳаётини гороскопга солиштирадиган кишилар сон-саноқсиз. Гороскоп деганлари эса, одам туғилган пайтда юлдузларнинг қандай жойлашганини кўрсатиб, киши тақдирини айтиб берувчи жадвал. Ғарбда чиқаётган илмий мақолаларда нафақат гороскоп, умуман, илми нужум — астрологиянинг чинлиги буткул шубҳа остига олинаётир.**

Илми нужум жуда қадимда, дунё кўҳна аждодларимиз учун мутлақо сирли туюлган замонларда пайдо бўлган. Илми нужум, айниқса, Қадимги Римда ўта машҳур эди. Коперник томонидан дунёнинг гелиоцентрик система (қуёш марказ бўлиб, барча сайёралар унинг атрофида айланиши) назарияси кашф этилгач, бу соҳанинг таъсир кучи хийла сусайди. Инсониятнинг астрологияга қизиқиши XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб яна ортиб бордики, бугунги кунда гороскоп-жадвал тузиб бизнес қилиш бутун дунёга кенг тарқалган. Илми нужумнинг машҳурлиги XXI асрда янада ошиб бораётир.

Сўровномаларнинг кўрсатишича, британияликларнинг қарийб тўқсон фоизи кароматли коҳинлари, фолбинларининг башоратларига муайян даражада ишонаркан (эллик йил бурун бу кўрсаткич атиги ўн уч фоиз бўлган!). Туманли Албионнинг саксон фоиз аҳолиси ўз гороскопларини муттасил ўқиркан, олтмиш фоизи эса унга амал қиларкан.

Ана шундай бир шароитда австралиялик доктор Жеффри Дин (унинг ўзи бир пайтлар илми нужум билан шуғулланган) ва канадалик психолог Иван Келли ўзлари ўтказишган тадқиқотларга асосланишиб, илми нужум соҳибларининг ўз каромату башоратлари ёлғондан иборат эканини ёзиб чиқишди.

1958 йили бир вақтда (орада қандайдир дақиқаларда фарқ бўлиши мумкин) туғилган икки минг чақалоқ алоҳида ҳисобга олинган эди. Илми нужум қоидаларига кўра, юлдузлар бу чақалоқларга бир-бирига ўхшаш тақдирларни лозим кўриши керак. Олимлар ўнлаб йиллар мобайнида ана шу икки минг гўдакнинг улғайиши, уларнинг феъл-атвори, касб-кори, оилавий аҳволи, асаби, математикага иқтидори, ижодий қобилияти ва бошқаларни ўрганиб келишган. Бироқ бу гуруҳдагиларнинг барчасига даҳлдор бўлган бирор-бир умумий хусусият юз кўрсатмаган. Феъл-атворлар ҳам, тақдиру руҳий ҳолат, ташқи таъсирга мойилликлар ҳам турличалиги кузатилган.

Дин ва Келлининг тадқиқотида астрологларни ноқулай вазиятга туширадиган бундай далиллар кўп. Улар турли вақтларда ҳар хил илмий муассасалар томонидан ўтказилган қирқдан ортиқ холис тадқиқотлар натижаларини келтиришиб, илми нужум башоратларини шубҳа остига қўйишди.

Доктор Дин "Санди телеграф" газетасидаги мақоласида: "Астрологларнинг фаолияти аниқ принциплардан холи, уларда башорат қилишнинг онгли равишда қабул қилиш мумкин бўлган механизми йўқ, астрологияга оид китобларда булар ҳақида бирорбир сўз йўқ. Бу китобларнинг ўзи эса алдовга йўғрилган машқлар, холос", деб ёзади.

Бу каби инкорлар ҳали илми нужум аҳлини ишонтиргани йўқ. Британия астрология уюшмаси президенти Рой Жиллет "австралиялик ва канадалик тадқиқотчиларнинг хулосаларини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан эшитиш"ни маслаҳат беради. Шунингдек, у доктор Диннинг астрологларда "тиши бор"лигига ҳам ишора қилади. Гринвич университети профессори Ш.Янг астрологларнинг "ўжар"лиги сабабларини моддий манфаат билан боғлаб изоҳлайди. Унинг талқинича, бугунги астрология — жуда катта халқаро бизнес, унда минглаб одамлар иштирок этади. Газеталар, журналлар, веб-сайтлар, одамлар бу соҳадан миллионлаб доллар ишлашмоқда. Улар, профессор Ш.Янгнинг уқтиришича, одамларнинг ўз тақдирлари билан қизиқишларидан манфаатлари йўлида фойдаланишмоқда.

Хўш, бу қизиқиш, қолаверса, илми нужум бизнеси қачонгача давом этиши мумкин? Бунга Ш.Янг жавоб бериб, одамларда илми нужумга қизиқиш қолмаганда, астрологларнинг башоратлари ҳам, бизнеси ҳам барҳам топади дейди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50* *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48* *Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Баҳром РЎЗИМУҲАММАД
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 861. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН